

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

33-сон
(845)
2018 йил
20 август

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

674. «Тошкент шаҳрида инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича экспериментни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 15 августдаги ПФ-5511-сон Фармони
675. «Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 15 августдаги ПФ-5512-сон Фармони
676. «Тошкент шаҳрида бошқарувнинг алоҳида тартибини жорий этиш бўйича ҳуқуқий эксперимент тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 августдаги ПФ-5515-сон Фармони [Кўчирма]
677. «Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон қарори [Кўчирма]

Учинчи бўлим

679. «Давлат умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларини замонавий ягона мактаб формаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 августдаги 666-сон қарори
680. «Инвестицияларни жалб қилиш, хорижий инвесторлар билан ҳамкорликни ривожлантириш, янги ишлаб чиқаришлар ва иш ўринларини ташкил этиш борасидаги фаолият учун давлат органлари ҳамда ташкилотлари раҳбарларини моддий рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 августдаги 668-сон қарори
681. «Дастурий маҳсулотлар ва ахборот маҳсулотларидан фойдаланиш ҳуқуқини амалга ошириш ҳамда расмийлаштиришнинг божхона расмийлаштируви (декларациялаш) ва бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 августдаги 670-сон қарори
682. «Истироҳат боғлари ва яшил зоналарни ташкил этиш методологияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 17 августдаги 671-сон қарори
683. «Хорижий автоташувчиларни халқаро йўлларда ташиш китобчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги божхона Конвенцияси низомларидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва бундай ҳуқуқни тиклаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 17 августдаги 673-сон қарори
684. «Давлат-хусусий шериклик асосида марказлаштирилган клиника-диагностика лабораторияси ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 17 августдаги 674-сон қарори

Бешинчи бўлим

685. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2018 йил 11 июлдаги 215-сон «Баҳоловчиларга тоифалар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 11 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3052*)
686. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 12 июлдаги 110, 2018-60, 4-ққ-сон «Хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ солинадиган базасини алоҳида харажатлари бўйича камайтириш тартиби

тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 13 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3053*)

688. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2018 йил 30 июлдаги 17-2018, 38, 20-қ/қ-сон «Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 15 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3054*)

689. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 15 августдаги 418-мқ-сон «Нодавлат нотижорат ташкилотларининг чет эл фуқаролари бўлган ходимлари аккредитация карточкасининг шаклини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 15 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3055*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2018 йил 11 августдан 17 августгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

674 Тошкент шаҳрида инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича экспериментни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Кейинги йилларда республикада маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолиятини такомиллаштириш борасида уларнинг аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг долзарб муаммоларини ўз вақтида ва самарали ҳал этишдаги мустақиллиги ва масъулиятини оширишга қаратилган сезиларли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, Тошкент шаҳридаги ишларнинг ҳақиқий аҳволини ўрганиш ишбилармонлик фаоллигининг ўсишига, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш ва модернизация қилишга инвестицияларни жалб этишга тўсқинлик қилаётган тизимли муаммолар ва камчиликлар мавжудлигидан далолат бермоқда.

Тошкент шаҳрида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясига мувофиқ:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5495-сон Фармониға мувофиқ:

а) 2018 йил 1 октябрдан инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини беришнинг қуйидаги янги механизмлари жорий этилмоқда:

қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкасини 50 йилгача муддатга, лекин аризада кўрсатилганидан кам бўлмаган муддатга инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун узоқ муддатли ижарага бериш;

кўчмас мулк объектларини (мехмонхоналар, савдо объектлари, маданий-кўнгилочар мажмуалар, маиший хизмат кўрсатиш объектлари, таълим ва тиббиёт ташкилотлари, йўл инфратузилмаси ва бошқалар) қуриш учун ер участкаларига доимий эгалик қилиш ҳуқуқини аукцион орқали сотиш;

б) қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 16 августда эълон қилинган.

тартибда туман (шаҳар) ҳокимларига чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарга қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкасини 50 йилгача муддатга, лекин аризада кўрсатилганидан кам бўлмаган муддатга инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун узоқ муддатли ижарага бериш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлар доирасида ва тартибда 10 миллион АҚШ долларидан кўп бўлмаган эквивалентда чет эл инвестицияси улуши бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда чет эл инвесторлари билан инвестиция шартномаларини тузиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашига умумий майдони 2000 квадрат метрдан ортиқ, лекин 5000 квадрат метрдан кўп бўлмаган фойдаланилмаётган давлат мулки объектларини (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 июндаги «Давлат мулки объектларини сотиш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3067-сон қарорининг 1 ва 2-иловаларида кўрсатилган объектлар бундан мустасно) инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун сотиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқи берилди.

2. Вазирлар Маҳкамаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 2018 йил 15 августдан 2019 йил 15 августгача Тошкент шаҳрида инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи эксперимент ўтказиш (кейинги ўринларда эксперимент деб юритилади) тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин:

инвесторлар билан тўғридан-тўғри музокаралар яқунлари бўйича инвестиция шартномаларини тузиш орқали Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори асосида соддалаштирилган тартибда инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун доимий эгалик, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинчалик) фойдаланиш ҳуқуқи асосида ер участкаларини тақдим этиш имконияти;

инвесторлар билан тўғридан-тўғри музокаралар яқунлари бўйича инвестиция келишуви асосида Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори билан давлат мулки объектларини, шу жумладан фойдаланилмаётган объектларни уларнинг майдони ҳажмидан қатъи назар бериш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг алоҳида қарорлари билан давлат-хусусий шерикликни жорий этиш назарда тутилган соҳалардаги объектлар бундан мустасно;

Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори билан кичик саноат зоналари дирекцияси функцияларини ишончли бошқарув шартномаси асосида хусусий бошқарувчи ташкилотларга бериш;

Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига кўра маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бозорлар ва савдо комплекслари устав капитали (фонди)даги улушларини уларнинг баланс қиймати ва ходимлари сонидан қатъи назар хусусий тадбиркорлик субъектларига фаолият йўналишини сақлаб қолиш, инвестиция ва ижтимоий мажбуриятлар олиш шарти билан бериш, шунингдек, бозорлар ва савдо комплексларининг ижро этувчи органи функцияларини шартнома асосида хусусий бошқарувчи ташкилотларга бизнесни таш-

кил этиш ва юритиш учун бериш. Бунда, ҳар бир туманда маҳаллий давлат ҳокимияти органининг улуши бўлган битта маҳаллий бозор сақлаб қолиниши назарда тутилсин;

Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори билан давлат-хусусий шериклик шартларида автомобиль йўллари бўйлаб пулли автомобиль тўхташ жойларини ташкил этиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш, хусусий инвесторларни жалб қилган ҳолда кўп қаватли автомобиль сақлаш жойларини куриш дастурларини тасдиқлаш;

энг юқори ижара тўловлари ва инвестиция мажбуриятларини таклиф этган, асосан йўл ҳаракати соҳасида инновация лойиҳаларини амалга оширишда тажрибага эга тадбиркорлик субъектларига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тасарруфида бўлган, шу жумладан бозорлар ва савдо комплексларига туташ ҳудудларда жойлашган автомобилларни вақтинчалик сақлаш жойларини давлат-хусусий шериклик шартларида 10 йилга қадар муддатга ижарага бериш.

3. Тошкент шаҳрида инвестиция муҳитини яхшилаш юзасидан эксперимент ўтказилишини мувофиқлаштириш бўйича ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда — Ишчи гуруҳ) иловага* мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Ишчи гуруҳ (А.Н. Арипов) зиммасига:

Тошкент шаҳар ҳокимининг ер участкалари ажратиш, давлат мулки объектларини реализация қилиш ва ижарага бериш бўйича қарорларини қабул қилиш учун кичик саноат зоналари дирекцияси функцияларини хусусий бошқарувчи ташкилотларга бериш масаласини, шунингдек, амалга ошириш таклиф этилаётган инвестиция лойиҳалари кўрсаткичлари ва давлат-хусусий шерикликнинг асосий шартларини тезкорлик билан келишиш ва маъқуллаш;

вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг экспериментни ўтказиш ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ ташкилий-техник масалаларни ҳал қилишга амалий кўмаклашиш бўйича фаолиятининг аниқ мувофиқлаштирилишини таъминлаш, бюрократизм ҳолатларига йўл қўймаслик юзасидан тезкор чоралар кўриш;

экспериментни сифатли ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш, эксперимент доирасидаги барча масалаларни тезкор кўриб чиқиш ва улар юзасидан келишилган қарорлар қабул қилиш юклансин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ эксперимент доирасида:

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ҳар ҳафта инвестор куни ўтказилади, унинг доирасида, қоида тариқасида, Ишчи гуруҳ томонидан тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан хорижий инвесторларнинг инвестиция шартномаларини тузиш, уларга ер участкалари ажратиш ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун давлат мулки объектларини бериш бўйича инвестиция таклифлари кўриб чиқилади ҳамда тегишли маълумотлар Тошкент шаҳар ҳокимлигининг сайтига жойлаштирилади;

инвестиция фаолиятини олиб бориш учун Тошкент шаҳар ҳокимининг

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да рус тилида эълон қилинган.

қарорига кўра ер участкалари бериш инвесторга ер участкасини бир йилгача муддатга (лойиҳанинг мураккаблигидан келиб чиқиб узайтириш имконияти билан) дастлабки захиралаш шарти билан амалга оширилади, кейинчалик инвестиция шартномасида кўрсатилган шартлар инвестор томонидан бажарилганидан сўнг ер участкасига эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи расмийлаштирилади. Инвестор томонидан зиммасига олинган мажбуриятлар инвестиция шартномасида кўрсатилган шартлар ва муддатларга мувофиқ бажарилмаганда, ер участкасини захиралаш инвесторга компенсация бермасдан ва зарарлар қопланмасдан бекор қилинади;

фойдаланилмаётган давлат мулки объектларини ўз балансида сақловчилар томонидан Тошкент шаҳар ҳокимлиги сўров жўнатган вақтдан кейин бир ой муддатда фойдаланилмаётган объектдан самарали фойдаланиш, шу жумладан ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш объектини ташкил этиш, объектни аниқ ижарага олувчиларга бериш, аниқ инвестор (шерик)ни жалб этиш чоралари, шунингдек, фойдаланилмаётган объект фаолиятини тиклашнинг аниқ муддатлари ва молиялаштириш манбалари назарда тутилган таклифларнинг тақдим этилмаганлиги Тошкент шаҳри ҳокимининг фойдаланилмаётган давлат мулки объектларини инвестиция келишуви асосида реализация қилиш ёки бериш тўғрисидаги қарорини қабул қилиш учун асос бўлади;

кейинчалик Тошкент шаҳар ҳокимининг ер участкалари тақдим этиш, фойдаланилмаётган давлат мулки объектларини реализация қилиш ёки бериш масалалари бўйича қарорини қабул қилиш учун рўёбга чиқариш таклиф этилган инвестиция лойиҳаларининг кўрсаткичларини Ишчи гуруҳ томонидан келишиш ва маъқуллаш ўн иш куни давомида амалга оширилади;

ер участкаларини бериш бўйича материалларни йиғиш, кўриб чиқиш, ваколатли органлар ва ташкилотлар билан келишиш Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан белгиланган тартибда ўн иш куни давомида, шу жумладан электрон шаклда амалга оширилади;

Тошкент шаҳридаги эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашининг ваколатлари Тошкент шаҳар ҳокимига ўтади, у мазкур ваколатларни кичик саноат зоналари дирекцияларига қисман ёки тўлиқ бериши мумкин;

муайян инвестиция лойиҳалари доирасида ишлаб чиқариш майдончасидан ташқаридаги зарур ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш Тошкент шаҳар ҳокимлиги маҳаллий бюджети маблағлари ва бошқа молиялаштириш манбалари ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

5. Белгилаб қўйилсинки, 2018 йил 1 октябрдан:

автомототранспорт воситаларини вақтинчалик сақлаш хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар томонидан қатъий белгиланган солиқ тўлаш тартиби бекор қилинади, улар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган тартибда ягона солиқ тўлови ёки бошқа умумбелгиланган солиқлар тўлашга ўтказилади;

автомототранспорт воситаларини вақтинчалик сақлаш хизматлари, жойлашувидан қатъи назар, юридик шахслар томонидан автоматотранспорт воситаларини вақтинчалик сақлаш жойлари солиқ органлари билан ўзаро

хамкорлик қилиш имконини берадиган видеокузатув ва автоматотранспорт воситалари кириш ва чиқиш вақтини қайд этиш тизими билан жиҳозланганда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси автоматотранспорт воситаларини вақтинчалик сақлаш хизматларини кўрсатувчи юридик шахсларнинг тушумлари тўлиқлиги устидан тизимли назорат ўрнатсин.

6. Тошкент шаҳар ҳокимига хорижий инвестор томонидан қонун ҳужжатларида белгиланганидан қўшимча солиқ ва божхона имтиёзлари ва преференцияларини бериш талаби қўйилмаган тақдирда 10 миллион АҚШ долларидан ортиқ эквивалентда чет эл инвестицияси улуши бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда чет эл инвесторлари билан инвестиция шартномаларини тузиш ҳуқуқи берилсин.

7. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК «САР» авиакомпаниясининг Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Райхон кўчасида жойлашган бинолари, иншоотлари ва бошқа инфратузилмасини уларга туташ 101,64 гектар майдон билан биргаликда кейинчалик топширилаётган объектлар негизда «Индустриал парк» кичик саноат зонасини ташкил этиш шарти билан қабул қилиш ва топшириш далолатномалари асосида Тошкент шаҳар ҳокимлигига беғараз бериш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

8. Тошкент шаҳар ҳокимлиги:

а) бизнес юритиш учун энг мақбул шарт-шароитлар ва қулай инвестиция муҳитини яратиш, туманлар кесимида Тошкент шаҳрининг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, шунингдек, иқтисодий ўсиш ва аҳоли турмуш даражасини оширишни таъминлаш учун зарур ташкилий тадбирларни амалга ошириш мақсадида туманлар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда:

тегишли ҳудудларда мавжуд имконият ва шароитларни акс эттиришни назарда тутадиган Тошкент шаҳри ва туманларнинг инвестиция паспортларини;

инвестиция жараёнларини бошқаришнинг асосий мақсадларини, устувор тармоқларни ривожлантириш чораларини, маданий ва ижтимоий объектлар ҳамда атроф-муҳитнинг қулай экологик ҳолатини сақлаш билан боғлиқ чекловларни белгилайдиган Тошкент шаҳрида ҳудудлар кесимида инвестиция муҳитини ривожлантириш концепциясини, шунингдек, концепциянинг натижадорлигини тавсифловчи кўрсаткичларни;

масъул шахслар ва молиялаштириш манбаларини белгилаган ҳолда инвесторларни аэропортлар, вокзаллар, ташриф буюриш объектларида кутиб олиш, кузатиш ва уларга хизмат кўрсатиш, уларни зарур транспорт ва техника воситалари билан таъминлаш тартибини ишлаб чиқсин;

б) Тошкент вилояти ҳокимлиги билан биргаликда бир ҳафта муддатда Тошкент шаҳрида кичик саноат зоналари фаолиятини жадаллаштириш, бўш турган ер участкаларидан мақбул тарзда фойдаланиш, улар негизда кичик

саноат зоналарини ташкил этиш бўйича, зарур ҳолларда Тошкент вилояти-нинг Тошкент шаҳри Олмазор, Юнусобод, Чилонзор ва Сергели туманлари-га туташ ҳудудларида Тошкент шаҳрининг янги кичик саноат зоналарини ташкил этиш учун ҳар бирининг майдони 20 гектардан кам бўлмаган ер участкалари ажратишни назарда тутган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

в) бир ой муддатда Тошкент шаҳар ва туманлари ҳокимларининг, шунингдек, улар ўринбосарларининг салоҳиятли инвесторларни жалб этиш, хорижий ҳамкорларга инвестиция салоҳияти ва бизнес юритиш шартлари тўғрисидаги маълумотларни етказиш учун учрашув ва музокаралар, шу жумладан хорижий мамлакатларга сафарларнинг календарь режасини ишлаб чиқсин.

9. Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчи Ж.А. Артикходжаев зиммасига:

инвестиция лойиҳаларининг ташаббускорлари томонидан шаҳарсозлик регламентлари ва қурилиш-монтаж ишларининг сифати бўйича талабларга риоя этилиши;

юклатилган вазифа ва функцияларни сўзсиз, ўз вақтида ва сифатли бажариш, инвестиция лойиҳаларини самарали амалга ошириш, тадбиркорлик субъектларининг муаммоларини ҳал қилиш, бунда инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича олиб борилаётган ишларнинг натижадорлигига ўз фаолиятида алоҳида эътибор қаратиш, холислик ва очиқлик принципларига риоя этиш, шунингдек, Тошкент шаҳри аҳолиси манфаатларини ҳисобга олиш;

эксперимент доирасида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш натижасида юзага келаётган давлат мажбуриятларини молиялаштириш манбалари билан таъминлаш;

ушбу Фармоннинг 8-бандига мувофиқ амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлиги;

Тошкент шаҳрининг эски шаҳар қисми, маданий мерос объектлари ва атроф-муҳит қулай экологик ҳолатининг сақланиши, аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш, манзарали дарахтлар ва гуллар эккан ҳолда яшил ҳудудлар барпо этиш, дарахтлар ва ўсимликларни ноқонуний кесилишдан ҳимоя қилиш;

ижтимоий тармоқларда жойлаштирилган ва турли қонунбузарликлар (дарахтларнинг ноқонуний кесилиши, маданий мерос объектларига зарар етказиш ва бошқалар) билан боғлиқ фуқаролар мурожаатлари ва шикоятлари бўйича тезкор чоралар кўриш юзасидан масъулият юклансин.

10. Ишчи гуруҳ (А.Н. Арипов, С.Р. Холмурадов) Ишчи гуруҳ кун тартибига киритилаётган масалаларнинг тезкор кўриб чиқилишини, шунингдек, юклатилган вазифа ва функцияларнинг сўзсиз бажарилишини таъминласин.

11. Вазирлик ва идоралар раҳбарларига Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошираётган тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, юзага келаётган муаммоларни ҳал қилиш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Тошкент шаҳар ҳоким-

лиги билан биргаликда икки ой муддатда турар жой зонасида жойлашган объектларни қайта ихтисослаштиришга рухсат бериш тартибини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритсин, бунда уй-жой ва меҳмонхона хўжалиги, соғлиқни сақлаш, таълим объектларини, болалар муассасалари ва бошқа ижтимоий инфратузилма объектларини қуришнинг ўзига хос хусусиятлари ва зарурати ҳисобга олинсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини мувофиқлаштириш хизмати:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан биргаликда экспериментнинг амалга оширилиши устидан таъсирчан назорат ва мониторинг ўрнатсин;

Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда эксперимент натижалари юзасидан ушбу Фармоннинг амал қилишини республиканинг бошқа ҳудудларига татбиқ этиш бўйича таклифлар киритсин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳар ойда ушбу Фармонга мувофиқ амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг натижадорлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ва Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига Тошкент шаҳар ва туманлар халқ депутатлари Кенгашларига Тошкент шаҳри ва туманлари ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолияти устидан самарали депутатлик назоратини ташкил этиш ва амалга оширишда қўмаклашиш тавсия қилинсин.

15. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситалари ушбу Фармоннинг қоидалари, мавжуд имкониятлар, инвестиция келишувларини амалга ошириш натижалари ва давлат-хусусий шерикликнинг афзалликлари кенг ёритилишини таъминласин.

16. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов ва Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчи Ж.А. Артиқходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 15 август,
ПФ–5511-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**675 Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида***

Халқимизнинг маънавий ҳаётида алоҳида ўрин тутадиган, муқаддас ислом динининг эзгу ғояларини яққол ифода этадиган қадимий байрамимиз Қурбон ҳайитини муносиб нишонлаш, жамиятимизда инсонпарварлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, саховат ва шукроналик туйғуларини кучайтириш, ёшларимизда юксак фазилатларни камол топтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2018 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 21 август сешанба кунига тўғри келиши ҳақида қабул қилган қарорини инобатга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 декабрдаги «2018 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида»ги ПФ-5290-сон Фармонига мувофиқ 2018 йил 21 — 23 август кунлари — Қурбон ҳайитининг биринчи уч куни мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон фохрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Қурбон ҳайитининг жойларда юқори савияда, халқимизнинг миллий ва диний анъаналарига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 декабрдаги «2018 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида»ги ПФ-5290-сон Фармони 2-бандининг олтинчи хатбошисидаги «24 август — жумага» сўзлари «22 август — чоршанбага» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 15 август,
ПФ-5512-сон

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 16 августда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**676 Тошкент шаҳрида бошқарувнинг алоҳида тартибини жорий этиш бўйича ҳуқуқий эксперимент тўғрисида*****[Кўчирма]**

Кейинги йилларда республикада ҳудудларни комплекс ривожлантиришга, жойларда юзага келаётган муаммоларни ўз вақтида ва самарали ҳал қилишга қодир маҳаллий ижро этувчи ҳокимият тузилмасини такомиллаштиришга қаратилган маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, Тошкент шаҳрида ишларнинг ҳақиқий ахволини ўрғаниш иқтисодиёт тармоқларини жадал ривожлантириш ва модернизация қилиш, инвестицияларни жалб этиш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳолининг энг муҳим муаммоларини тезкор ҳал қилишга тўсқинлик қилаётган тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлигидан далолат бермоқда. Хусусан:

биринчидан, минтақанинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилишда комплекс ёндашув ҳамда ҳокимлар ва улар ўринбосарларининг давлат бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмалари билан яқин ўзаро ҳамкорлиги йўлга қўйилмаган;

иккинчидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ўзига хос бўлмаган бир қатор вазифа ва функциялар юклатилган бўлиб, уларни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий ва молиявий механизмлари мавжуд эмас, оқибатда ҳокимликлар ҳузурида маъмурий ва бошқарув функцияларига эга бўлган алоҳида квазидавлат корхона ва ташкилотлар тузилмоқда;

учинчидан, давлат ҳокимияти ваколатларига эга бўлган кўп сонли идоралараро ҳудудий коллегиял органлар (комиссиялар, кенгашлар)нинг мавжудлиги маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг вазифа ва функциялари алмашишига, қабул қилинаётган қарорлар ва аниқ натижаларга эришиш учун масъулиятнинг йўқолиб боришига олиб келмоқда;

тўртинчидан, Тошкент шаҳрининг тасдиқланган бош режаси мавжуд эмаслиги тартибсиз қурилишларга олиб келмоқда, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада кенгайтиришга имкон бермаяпти, шунингдек, ижтимоий объектларни комплекс жойлаштириш ва муҳандислик-коммуникация тармоқларини кенгайтиришни ҳисобга олган ҳолда пойтахтни фаол ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда;

бешинчидан, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларини моддий рағбатлантиришнинг амалдаги тартиби уларга юклатилган вазифалар, функциялар ва масъулият ҳажмига мос келмайди, бу эса уларнинг иш самарадорлигига таъсир қилмоқда;

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 18 августда эълон қилинган.

олтинчидан, депутатлик ва жамоатчилик назорати механизмлари лозим даражада ишга солинмаган, халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятини ташкил этишнинг амалдаги тартиби маҳаллий ижро этувчи органлар фаолияти устидан назоратни тўлиқ таъминламайди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, уларнинг тегишли ҳудуддаги энг муҳим муаммоларни хал қилишдаги ролини кучайтириш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясининг вазифаларига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Адлия вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 2018 йил 1 сентябрдан Тошкент шаҳрида бошқарувнинг алоҳида тартибини жорий этиш бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш ҳақидаги қуйидагиларни назарда тутувчи таклифи қабул қилинсин:

Тошкент шаҳар ва унинг таркибига кирувчи туманлар (кейинги ўринларда туманлар деб юритилади) ҳокимликлари бошқарув аппаратлари негизида халқ депутатлари Кенгаши тасдиқлаган бюджет доирасида тегишли ҳоким томонидан тузилмаси ва штатлари белгиланадиган ва ўзгартириладиган Тошкент шаҳар ва туманлар ҳокимлари девонларини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари раҳбарларини Тошкент шаҳар ҳокими томонидан тегишли вазир билан келишилган ҳолда, уларнинг туман бўлинмалари раҳбарларини эса тегишли ҳудудий давлат бошқаруви органи раҳбари билан келишилган ҳолда туман ҳокими томонидан лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш;

Тошкент шаҳар ҳокими ва унинг ўринбосарлари иштирокидаги давлат ҳокимияти ваколатларига эга бўлган ҳудудий идоралараро коллегиял органлар (комиссиялар, кенгашлар ва бошқалар)ни уларнинг вазифа ва функцияларини тегишли ҳудудий давлат бошқаруви органларига берган ҳолда кескин қисқартириш.

2. Қуйидагилар тегишлича Тошкент шаҳар ва туманлар ҳокимлари бўйсунувига ҳамда Тошкент шаҳар ва туманлар ҳокимлари девонлари тузилмасига ўтказилсин:

Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва комплекс ривожлантириш бош бошқармаси ҳамда туманларнинг иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўлимлари;

Тошкент шаҳар ҳокимлиги молия бош бошқармаси ва туман ҳокимликларининг молия бўлимлари;

Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаси ва туманлар қурилиш бўлимлари;

Тошкент шаҳар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси ва туманлар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлимлари;

Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий бошқармаси ва инвестициялар бўйича туман бўлимлари.

3. Тошкент шаҳрида мазкур Фармоннинг 2-бандида кўрсатилган давлат бошқаруви органлари ишини ташкил этишнинг қуйидаги тартиби ўрнатилсин:

а) республика давлат бошқаруви органлари: тегишли соҳаларда ягона давлат сиёсатини; давлат бошқаруви ҳудудий органлари фаолиятини услубий таъминлаш ва мувофиқлаштиришни;

тегишли тузилмаларни малакали кадрлар билан таъминлашга қаратилган ягона кадрлар сиёсатини амалга оширади.

б) Тошкент шаҳар ва туманлар ҳокимлари Тошкент шаҳри ва туманлардаги ҳудудий давлат бошқаруви органлари фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, уларга юклатилган вазифаларнинг самарали бажарилишини ташкил этади;

в) Тошкент шаҳридаги ҳудудий давлат бошқаруви органлари Тошкент шаҳар ҳокимига бўйсунди ва ўз фаолияти тўғрисида тегишли республика давлат бошқаруви органига ҳисобот беради;

г) Тошкент шаҳри туманларидаги ҳудудий давлат бошқаруви органлари туман ҳокимига бўйсунди ва ўз фаолияти тўғрисида Тошкент шаҳридаги тегишли ҳудудий давлат бошқаруви органига ҳисобот беради.

4. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

а) Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси ҳузуридаги Каналларни сақлаш, фойдаланиш ва таъмирлаш бўйича ихтисослашган бошқарма негизида асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлган Тошкент шаҳар каналлардан фойдаланиш ва уларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш бошқармасини ташкил этиш:

Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган каналлар ва улардаги иншоотларни сақлаш бўйича ягона техника сиёсатини олиб бориш;

Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган каналлар ва сув ҳўжалиги иншоотларининг тегишли санитар ҳолати ва техник ишончилигини таъминлаш;

каналлардан ишончли фойдаланиш ва уларни ишчи ҳолатда сақлаш учун тайёрлаш;

каналларни санитар тозалашни комплекс ва тубдан яхшилаш, каналларга туташ ҳудудларни санитар, экологик меъёр ва қоидаларга мувофиқ ободонлаштириш вазифаларини амалга ошириш;

каналларнинг шаҳардан ўтадиган қисмларини, улар ўзанларини бетонлаш йўли билан реконструкция қилиш, қирғоқ бўйларида замонавий ландшафт меъморчилиги усулларини қўллаган ҳолда рекреацион ҳудудларни шакллантириш;

ажратилган маблағлар, моддий-техника ресурслари, махсус техника ва асбоб-ускуналардан фойдаланиш самарадорлигини, жумладан сув ва энергия тежовчи технологияларни жорий этган ҳолда ошириш.

б) Тошкент шаҳар ижро этувчи ҳокимият тузилмасида асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлган Тошкент шаҳар транспорт ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш департаментини ташкил этиш:

шаҳар транспортини тартибга солиш ва ривожлантиришнинг самарали механизмларини ташкил этиш, бошқариш, ишлаб чиқиш ва қўллаш тизимини такомиллаштириш;

транспорт ва йўл-транспорт инфратузилмаси, шунингдек, автомобиль тўхташ жойларини ривожлантириш соҳасида шаҳар дастурларини ишлаб чиқиш;

шаҳар йўловчи транспорти фаолият юртишининг ишончилиги, хавфсизлиги ва қулайлигини ошириш;

йўллар, йўл объектлари ва йўл-транспорт иншоотларидан фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш учун йўл ҳаракатини ташкил этишнинг хавфсиз ва самарали дастурлари ва чизмаларини, шу жумладан йўл ҳаракатини тартибга солиш тизимларини, замонавий интеллектуал ахборот-коммуникация тизимларини режалаштириш, лойиҳалаш ва жорий этиш;

Тошкент шаҳар ташкилотлари, шу жумладан коммунал ва эксплуатация ташкилотларининг йўл-транспорт инфратузилмаси ва йўл объектларини қуриш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий шакли ва идоравий бўйсунувидан қатъи назар мувофиқлаштириш.

5. Қуйидагилар:

Тошкент шаҳар ҳокимининг капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича биринчи ўринбосари лавозими тугатилиб, Тошкент шаҳар ҳокимининг архитектура, капитал қурилиш ва коммуникацияларни ривожлантириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари лавозими;

Тошкент шаҳар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси бошлиғи лавозими тугатилиб, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари — Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси бошлиғи лавозими;

Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари — Тошкент шаҳар каналлардан фойдаланиш ва уларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи лавозими;

Тошкент шаҳар ҳокими девони раҳбари лавозими жорий этилсин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

Тошкент шаҳар ҳокими ва туманлар ҳокимлари 1 ва 2-иловаларга* мувофиқ намунавий тузилмаларга асосан тегишли ҳудудда ижро этувчи ҳокимиятга раҳбарлик қилади;

Тошкент шаҳар ва туманлар халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятининг ташкилий, молиявий, моддий-техникавий ва бошқа таъминоти уларнинг мазкур Фармонга мувофиқ ташкил этиладиган котибиятлари томонидан, ҳокимлар ва улар ўринбосарларининг таъминоти эса — тегишли ҳоким девони томонидан амалга оширилади;

Тошкент шаҳар транспорт ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш департаменти Тошкент шаҳар ҳокимига бўйсунди;

Тошкент шаҳар каналлардан фойдаланиш ва уларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш бошқармаси, шунингдек, Тошкент шаҳар транспорт ва йўл-

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да рус тилида эълон қилинган.

транспорт инфратузилмасини ривожлантириш департаментининг штат birlikлари Тошкент шаҳар ҳокими томонидан белгиланади;

Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ва Тошкент шаҳар бюджети ўртасида тақсимланадиган солиқларнинг тасдиқланган параметрларидан ошириб бажарилган суммасининг Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига тегишли қисми Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетига ўтказилади.

7. Қуйидагилар:

Тошкент шаҳар ҳокими ва унинг ўринбосарлари иштирокидаги ҳудудий идоралараро коллегиял органлар (комиссиялар, кенгашлар) уларнинг вазифа ва функцияларини 3-иловага* мувофиқ ваколатли органларга ўтказган ҳолда;

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги давлат унитар корхоналари 4-иловага* мувофиқ ўрнатилган тартибда тугатилсин.

8. Тошкент шаҳар ва туманлар халқ депутатлари Кенгашларига:

маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган ва депутатлар орасидан бўлган халқ депутатлари Кенгаши котиби бошчилик қиладиган доимий асосда фаолият юритувчи халқ депутатлари Кенгаши котибиятини ташкил этиш, шунингдек, унинг тузилмасини тасдиқлаш;

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти устидан депутатлик, жамоатчилик назоратини амалга ошириш юзасидан, шу жумладан ҳокимлар ва давлат бошқаруви ҳудудий органлари фаолиятини тизимли ва танқидий таҳлил қилиш бўйича халқ депутатлари Кенгашининг ҳар ойлик иш режаларини тасдиқлаш ва ижро этиш орқали ишларни кучайтириш тавсия этилсин.

9. Қуйидагиларга:

а) халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига:

маҳаллий бюджетлар даромадлари прогнозини ошириб бажариш ҳисобига халқ депутатлари Кенгашлари котибиятлари ходимларининг фаолиятини баҳолаш натижасига кўра уларнинг лавозим маошларига лавозим маошининг 200 фоизига қадар миқдорда устама белгилаш;

Тошкент шаҳар бюджети маблағлари ҳисобидан унинг захира фонди миқдори доирасида ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигини кейинчалик хабардор этган ҳолда Тошкент шаҳри номидан юридик ва жисмоний шахслар фойдасига кафолат ва кафиллик бериш;

б) Тошкент шаҳар ҳокими ва туманлар ҳокимларига маҳаллий бюджетлар даромадлари прогнозини ошириб бажариш ҳисобига Тошкент шаҳар ҳокими ва туманлар ҳокимлари девони, шунингдек, давлат бошқаруви ҳудудий органлари ходимларининг фаолиятини баҳолаш натижасига кўра уларнинг лавозим маошларига лавозим маошининг 200 фоизига қадар миқдорда устама белгилаш ҳуқуқи берилсин.

10. Тошкент шаҳри ҳудудида 2018 йил 1 октябрдан қуйидагилар амалга киритилсин:

* 3-4-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да рус тилида эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ва Тошкент шаҳар бюджети ўртасида қайта тақсимланадиган алоҳида турдаги тушумлар бўйича ажратмалар 5-иловага* мувофиқ;

туманлар бюджетлари даромадига тўлиқ ҳажмда киритиладиган қўшимча тушумлар 6-иловага* мувофиқ.

11. Тошкент шаҳрининг бошқарув тизимини тубдан ислох қилиш бўйича «йўл харитаси» (кейинги ўринларда — «йўл харитаси») 7-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини мувофиқлаштириш хизматида «йўл харитаси»да назарда тутилган тадбирларнинг амалга оширилиши устидан назорат ва мониторингни амалга ошириш вазифаси;

Тошкент шаҳар ҳокими, вазирлик ва идоралар раҳбарларига «йўл харитаси»да назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун шахсий жавобгарлик юклансин.

12. Тошкент шаҳар ҳокими 2018 йил 1 октябрга қадар муддатда Тошкент шаҳрининг бош режаси концепцияси ва Тошкент шаҳрининг бош режаси лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича халқаро танлов ўтказилишини таъминласин.

Тошкент шаҳрининг бош режаси концепцияси ва Тошкент шаҳрининг бош режаси лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича буюртмачи функцияси Тошкент шаҳар ҳокими девонига юклансин.

13. Қуйидагилар Тошкент шаҳрининг бош режаси концепцияси ва Тошкент шаҳрининг бош режаси лойиҳаларини ишлаб чиқишнинг молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари; тадбиркорлик субъектларининг давлат-хусусий шериклик шартларида жалб этиладиган маблағлари.

14. Тошкент шаҳар ҳокими:

2019 йил 1 январга қадар Тошкент шаҳрининг бош режаси концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини;

2019 йил 1 декабрга қадар тасдиқланган Тошкент шаҳрининг бош режаси концепцияси асосида Тошкент шаҳрининг бош режасини тасдиқлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Вазирлик ва идоралар Тошкент шаҳар ҳокими девонига Тошкент шаҳрининг бош режаси концепцияси ва Тошкент шаҳрининг бош режаси лойиҳаларини ишлаб чиқишда қўмаклашсин, ўз ваколатлари доирасида ушбу ҳужжатларнинг ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқилиши учун зарур бўлган материаллар билан таъминласин.

16. Белгилаб қўйилсинки, Тошкент шаҳрининг бош режаси тасдиқлан-

* 5 — 7-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да рус тилида эълон қилинган.

гунга ва пойтахтни архитектура жиҳатидан ривожлантиришнинг истиқболлари аниқ белгилангунга қадар:

Тошкент шаҳрининг эски шаҳар қисмида бузиш, реконструкция қилиш ва капитал қурилиш бўйича ишларни олиб бориш тақиқланади;

Тошкент шаҳрининг бошқа туманларида янги турар жой массивларини қуришда ижтимоий объектларни комплекс жойлаштириш ва муҳандислик-коммуникация тармоқларини кенгайтириш мажбурий тартибда назарда тутилади.

17. Тошкент шаҳар ҳокимиغا Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги томонидан маъқулланган ёки ишлаб чиқилган рентабелли инвестиция лойиҳаларига аҳолининг бўш маблағларини Тошкент шаҳрининг облигациялари ёки янги ташкил этилаётган хўжалик жамиятлари акциялари шаклида қимматли қоғозларни чиқариш орқали жалб этишга рухсат берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази Тошкент шаҳар ҳокимиغا қимматли қоғозларни чиқариш ҳамда жойлаштиришда қўмаклашсин.

18. Тошкент шаҳар ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳамда Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг:

«Ягона буюртмачи хизмати» ИК, «Капитал қурилиш бошқармаси», «Тошкент уй-жой қурилиш бошқармаси» ва «Моддий-техник таъминот бошқармаси» давлат унитар корхоналари негизда давлат унитар корхонаси шаклидаги «Тошкент қурилиш инвест» инжиниринг компаниясини ташкил этиш ҳамда уни Тошкент шаҳри ҳудудида марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашни ташкиллаштириш бўйича ягона буюртмачи сифатида белгилаш;

«Маъмурий бинолардан фойдаланиш департаменти» давлат унитар корхонаси негизда давлат унитар корхонаси шаклидаги Муниципал активларни бошқариш марказини ташкил этиш ҳамда унинг зиммасига муниципал мулкни, шу жумладан муниципал мулк ҳисобланган давлат корхоналари ва хўжалик жамиятлари устав фондидаги улушларни самарали бошқариш вазифаларини юклаш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

Тошкент шаҳар ҳокимиغا муниципал активларни бошқариш ва уларни ижарага беришдан тушадиган даромадларнинг бир қисмини, жумладан Тошкент шаҳар ҳокими девонининг фаолиятини моддий-техник таъминлаш ва унинг ходимларини моддий рағбатлантириш учун йўналтиришга рухсат берилсин.

19. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ ташқи реклама объектларининг иншоотларини жойлаштириш учун тақдим этиладиган ҳудудлар рўйхатларини шакллантириш Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаси томонидан ички ишлар органлари ва Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари билан биргаликда амалга оширилади.

Белгилансинки, рухсатнома беришдан келиб тушадиган барча маблағлар электрон аукцион савдоларини ўтказиш харажатларини чегириб ташлаган ҳолда Тошкент шаҳри туманлари бюджетларига йўналтирилади.

20. Тошкент шаҳар ҳокими реал вақт режимида қуйидаги имкониятларни тақдим этувчи Тошкент шаҳри ва туманлар ҳокимлари девонининг интерфаол порталларини яратишни таъминласин:

а) фуқаролардан маҳаллий бюджетнинг муайян қисмини, шу жумладан Тошкент шаҳрини ободонлаштириш ва фаровонлигини ошириш жамғармасининг маблағларини, Тошкент шаҳри облигацияларини чиқариш ҳисобидан жалб этилаётган маблағларни энг кўп овоз олган мақсадларга йўналтириш бўйича таклифлар олиш;

б) маҳаллий бюджетга тушумларни кузатиш, шунингдек, амалга оширилаётган тадбирларни ва уларга сарфланган маблағларни шаффофлиги ва очиклигини таъминлаган ҳолда қайд этиш орқали уларнинг сарфланишини мониторинг қилиш;

в) Тошкент шаҳри ва туманлар ҳокимлари девонларининг тегишли ҳудуд аҳолиси билан қуйидагилар орқали ҳамкорлигини амалга ошириш:

пойтахт аҳолисидан уй-жой коммунал, транспорт ва бошқа инфратузилмани такомиллаштириш, ҳудудларни ободонлаштириш масалалари бўйича таклифларни қабул қилиш;

ҳокимлар ва ҳоким девони ходимларининг пойтахт аҳолиси таклиф ва мулоҳазаларига тезкор жавоб бериш;

пойтахт аҳолиси таклифлари ва мулоҳазаларининг ижросини назорат қилиш;

Тошкент шаҳрида арзон уй-жойга талабгор шахсларнинг навбати ва рўйхатини очиқ шакллантириш;

ҳудудларни ривожлантириш, объектларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурларини жойлаштириш, тадбиркорлик субъектларининг таклифларини қабул қилиш;

пойтахт аҳолиси овоз бериши якунлари бўйича туманлар ҳокимлари ва ҳудудий давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг рейтингини аниқлаш.

21. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига:

халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва туманлар Кенгашларига Тошкент шаҳри ва туманлари ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти устидан самарали депутатлик назоратини ташкил этиш ҳамда амалга оширишда кўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига кўриб чиқиш учун киритилаётган масалаларни халқ депутатлари Кенгашлари йиғилишларида муҳокама қилиш амалиётини жорий этиш;

халқ депутатлари Кенгашлари мурожаатлари бўйича ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларини ўз мажлисларида кўриб чиқиш тавсия этилсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Ички ишлар вазирлиги бир ой муддатда Тошкент шаҳрида каналлардан фойдаланиш ва уларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш соҳасида қонунчиликка риоя эти-

лиши ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш учун масъул бўлинмаларни белгилаш бўйича таклифлар киритсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги уч ой муддатда:

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига хос бўлмаган ва бир-бирини такрорловчи функцияларни аниқлаш нуктаи назаридан қонун ҳужжатларини хатловдан ўтказсин, натижаси бўйича уларни оптималлаштириш юзасидан таклифлар киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси, Молия вазирлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда оммавий мулкни республика ва муниципал мулкка аниқ ажратиш юзасидан таклифлар киритсин;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштириш, шунингдек, тартибга солиш бўйича қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар киритсин.

25. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

2018 йил 1 декабрга қадар муддатда халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига «Ўзбекистон Республикаси пойтахтининг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини киритсин;

Тошкент шаҳрида ўтказилган ҳуқуқий эксперимент яқунларига кўра, 2019 йил 1 июлга қадар муддатда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳрирдаги лойиҳасини киритсин.

26. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу Фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджети параметрларига ўзгартишлар киритсин.

27. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва Молия вазирлигининг Давлат молия назорати бош бошқармаси мазкур Фармон талаблари ижро этилишида маҳаллий бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан тизимли равишда назоратни амалга оширсин.

28. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов ва Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчи Ж.А. Артикходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 17 август,
ПФ–5515-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**677 Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизими сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида*****[Кўчирма]**

Мамлакатимизда баркамол авлодни шакллантириш, ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, уларни олиб борилаётган ислохотларнинг фаол иштирокчисига айлантиришга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Жумладан, мактабгача таълимнинг замонавий тизими, 11 йиллик умумий ўрта таълим жорий қилинмоқда, замонавий олий таълим муассасалари ҳамда нуфузли хорижий университетларнинг филиаллари ташкил этилмоқда.

Ёшларнинг бандлигини таъминлаш ва уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш бўйича ишларни мутлақо янги тизим асосида ташкил этиш ва амалга ошириш мақсадида «Yoshlar — kelajagimiz» Давлат дастури қабул қилинди.

Ёшлар билан доимий мулоқот қилиш мазкур соҳадаги долзарб муаммоларни аниқлаш ва ҳал этишда давлат органлари ва жамоат ташкилотлари фаолиятининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда.

Шу билан бирга, амалга оширилган ишларнинг таҳлили бу борада айрим муаммолар сақланиб қолаётганлигини кўрсатмоқда. Хусусан:

биринчидан, ёш авлод онгига Ватанга содиқлик ва унинг тақдири учун дахлдорлик ҳиссини сингдиришга, уларда ёт ғоя ва қарашларнинг салбий таъсирига нисбатан мафкуравий иммунитетни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар етарли даражада самара бермаяпти;

иккинчидан, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, шунингдек, экстремизм, терроризм ва бошқа бузғунчи ғояларга нисбатан муросасизликни шакллантириш юзасидан давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг фаолияти ҳамон талаб даражасида эмас;

учинчидан, ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш учун зарур бўлган маданий-кўнгилочар объектлар, мактабдан ташқари таълим муассасалари, шу жумладан, жойларда турли ижодий ва таълим тўғараклари, спорт секцияларининг етишмаслиги болаларнинг соғлом руҳда тарбияланишига ва тўғри ҳаёт йўлини танлашига салбий таъсир кўрсатмоқда;

тўртинчидан, ўқитувчи ва мураббийларнинг ижтимоий мавқеи ва нуфузи пасайиб кетганлиги, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш тизи-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 15 августда эълон қилинган.

ми бугунги кун талабига мутлақо жавоб бермаслиги ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш ҳамда мустақил дунёқарашини шакллантириш борасида жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда;

бешинчидан, ёшларнинг олий таълим муассасаларига қамраб олиниш даражаси пастлиги, етакчи хорижий олий таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик етарлича йўлга қўйилмаганлиги малакали кадрларнинг етишмаслигига ва олиб борилаётган ислохотлардан кўзланган мақсадга тўлиқ эришилмаслигига сабаб бўлмоқда;

олтинчидан, соҳада қонун бузилиши ҳолатларининг сақланиб қолаётганлиги, шу жумладан, ёшларни қўллаб-қувватлашга ажратилаётган маблағларнинг мақсадли сарфланишида назоратнинг етарли даражада эмаслиги тизимли муаммоларни юзга чиқармоқда.

Қайд этилган муаммоларни бартараф этиш, ёш авлодни тарбиялаш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш, таълим-тарбия сифатини мазмун жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ўқитувчилик касбининг нуфузини ошириш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ:

1. Қўйидаги устувор йўналишларни назарда тутувчи Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда Дастур деб юритилади) 1-илова* мувофиқ тасдиқлансин:

юксак маънавиятли, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқарашга эга бўлган фидойи ва ватанпарвар ёшларни тарбиялаш;

ёшларни ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тоғувлик руҳида тарбиялаш;

педагог ходимларнинг кадр-қиммати ва нуфузини ошириш, уларнинг моддий-маънавий ва ижтимоий ҳимоясини кучайтириш;

ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар содир этилишининг олдини олиш;

ёшлар жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун шарт-шароитлар яратиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш;

ўқувчи-ёшларни ижтимоий муҳофаза қилиш, ижтимоий эҳтиёжманд оилалар фарзандларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш.

Белгилансинки, вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг раҳбарлари Дастурнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилиши учун шахсан масъул ҳисобланади.

2. Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаши (А.Н. Арипов):

вазирлик ва идораларнинг мутахассислари, фуқаролик жамияти институтлари вакилларини жалб этган ҳолда Дастурнинг амалга оширилиши бўйича

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ишчи гуруҳларни ташкил этсин, уларнинг самарали ишлашини таъминласин;

Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таҳлил қилиб борсин;

таълим-тарбия соҳасида қонун бузилиши ҳолатларининг сабаб ва шарт-шароитларини ўрганиш ҳамда уларни бартараф этиш, жойларда ёшларни қўллаб-қувватлашга ажратилаётган маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан назоратни ўрганиш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгиласин.

3. Умумий ўрта таълим муассасалари ходимларининг базавий тариф ставкалари:

а) 2018 йил 1 сентябрдан:

бошланғич синф ўқитувчилари учун 1,1 бараварга;

юқори синф ўқитувчилари учун ўртача 1,24 бараваргача;

директор, унинг ўринбосарлари ва ахборот-ресурс маркази (кутубхона) мудирлари ва кутубхоначилари учун 1,1 бараварга оширилсин.

б) 2019 йил 1 январдан:

олий тоифали ўқитувчилар учун 1,25 бараварга;

биринчи тоифали ўқитувчилар учун 1,2 бараварга;

иккинчи тоифали ўқитувчилар учун 1,15 бараварга;

мутахассис ўқитувчилар учун 1,1 бараварга;

директор, унинг ўринбосарлари, ахборот-ресурс маркази (кутубхона) мудирлари ва кутубхоначилари учун 1,1 бараварга оширилсин.

4. Умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасаларида, улардаги ўқувчилар сонидан келиб чиқиб, 2018 йил 1 сентябрдан бошлаб психолог штат бирлиги қўйидагича белгилансин:

250 нафаргача — 1 штат бирлигида;

250 нафардан 800 нафаргача — 1,5 штат бирлигида;

800 нафардан 1600 нафаргача — 2 штат бирлигида;

1600 нафардан 3000 нафаргача — 2,5 штат бирлигида;

3000 нафар ва ундан ортиқ — 3 штат бирлигида.

Умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасаларида олий маълумотли психологлар учун базавий тариф ставкалар 2018 йил 1 сентябрдан ушбу муассаса мутахассис ўқитувчилар базавий тариф ставкаларининг 90 фоизи-га тенглаштирилсин, 2019 йил 1 январдан эса 1,1 бараварга оширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2018 йил 1 ноябрга қадар муддатда ўқувчиларни психологик-педагогик қўллаб-қувватлаш ишларини янада такомиллаштириш бўйича ҳукумат қарорини қабул қилсин.

5. Умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиларининг дарс ва тўғарак машғулотларини ташкил этиш ҳамда синф журналининг юритишдан ташқари бошқа педагогик юкламалар бўйича ҳисоботлар ва қўшимча маълумотларни талаб қилиш қатъиян тақиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда 2018 йил 1 ноябрга қадар илғор хорижий тажрибадан келиб чиқиб, дирек-

тор жамғармаси маблағлари ҳисобидан умумтаълим муассасаларининг ўрнатилган кўрсатган педагог кадрларни фаолиятининг натижавийлиги асосида рағбатлантиришнинг шаффоф тизимини жорий этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши икки ой муддатда:

худудий, республика ва халқаро фан олимпиадаларида совринли ўринларни қўлга киритган ўқувчиларни тайёрлаган педагог кадрларга энг кам иш ҳақининг 5 бараваридан 50 бараваригача миқдорда бир марталик пул мукофоти бериш тартибини;

умумий ўрта таълим муассасалари фаолиятини молиялаштириш манбаларини диверсификация қилиш ва асосий фаолияти бўйича қўшимча пуллик хизматлар кўрсатиш тартибини;

таълим ривожига муносиб ҳисса қўшган, давлат мукофотларига сазовор бўлган педагог кадрларни давлат ва хўжалик бошқаруви органларига қарашли санаторий-соғломлаштириш муассасаларида имтиёзли шартларда соғломлаштириш тартибини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Қурилиш вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт вазирлиги Молия вазирлиги, Марказий банк, «Ўзшаҳарқурилишинвест» ва «Қишлоққурилишинвест» инжиниринг компаниялари билан биргаликда икки ой муддатда ҳар йили қишлоқ ва шаҳарларда намунавий лойиҳалар бўйича қурилатган арзон уй-жойларнинг бир қисмини халқ таълими тизимидаги педагог ходимларга 20 йил муддатга, 3 йиллик имтиёзли давр ҳамда биринчи 5 йил мобайнида йиллик 7 фоиз ставкаси билан ва кейинги даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси миқдорида дастлабки бадали 10 фоиз бўлган ипотека кредити сифатида бериш, шунингдек, «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида педагог ходимларнинг оила аъзоларига иссиқхона ташкил этиш, қорамол, парранда сотиб олиш ва тадбиркорлик фаолияти учун 3 йиллик муддатга, 6 ойлик имтиёзли давр билан, йиллик 7 фоиз ставка миқдорида кредитлар бериш тартибини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Молия вазирлиги, Марказий банк, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда Халқ таълими вазирлиги ҳузурида халқ таълими тизимидаги ходимлар учун ипотека кредити, автотранспорт воситаси сотиб олиш ва бошқа мақсадлар учун истеъмол кредитлари беришни молиялаштириш бўйича махсус жамғармани ташкил этиш, унга Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан 100 миллион АҚШ доллари ажратиш ҳамда халқаро молия институтларининг маблағларини жалб этишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тақ-

дим этилган рўйхат бўйича халқ таълими тизимидаги педагог ходимларга истеъмол кредитлари, шу жумладан, автотранспорт воситалари сотиб олиш учун махсус жамғарма ҳисобидан қўйидаги шартларда кредитлар бериш тартиби ўрнатилсин:

кредитни бериш муддати — 1 йил имтиёзли давр билан 5 йил муддатга;

дастлабки бадал суммаси — сотиб олинаётган автотранспорт воситаси қийматининг 25 фоизи;

кредит учун фоиз ставкаси — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан кўп бўлмаган миқдорда.

«Ўзавтосаноат» АЖ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тақдим этиладиган педагог ходимлар рўйхати асосида улар томонидан тижорат банклари кредитлари ҳисобига автотранспорт воситалари сотиб олиш учун автотранспорт воситалари ажратилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан биргаликда икки ой муддатда халқ таълими соҳасида баркамол авлодни вояга етказишда фидокорона меҳнат қилаётган, ёшларни ватанпарварлик ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига муносиб ҳисса қўшаётган халқ таълими тизими ходимларини тақдирлаш учун давлат мукофоти таъсис этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда 2018 — 2020 йилларда педагогик касбининг юксак ижтимоий мавқеи ва обрўсини тарғиб қилувчи «Ўқитувчи ва мураббийлар хиёбонлари»ни ташкил этсин.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Қурилиш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси, Ёзувчилар уюшмаси, «Хунарманд» уюшмаси билан биргаликда бир ой муддатда «Ўқитувчи ва мураббийлар хиёбонлари»нинг концепцияси ва намунавий лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактаблари, шу жумладан, ихтисослаштирилган мактаблар, санъат ва маданият мактаб-интернатлари, олимпия захиралари мактаб-интернатлари ҳамда академик лицейлар битирувчиларига аъло билими, намунали хулқи ва жамоат ишларидаги фаоллиги учун бериладиган олтин ва кумуш медалларни таъсис этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки:

олтин медаль умумий ўрта таълим муассасаларининг 9-синфини битирганлик тўғрисидаги аъло даражали шаходатномаси мавжуд, 10-11-синфлардаги барча фанлардан оралик, якуний назоратлари, чораклик ва йиллик

баҳолари аъло бўлган, намунали хулқ-атворли ва жамоат ишларида фаоллик кўрсатган 11-синф битирувчиларига берилади;

кумуш медаль умумий ўрта таълим муассасаларининг 9-синфини битирганлик тўғрисидаги аъло даражали шаходатномаси мавжуд, 10-11-синфлардаги барча фанлардан йиллик баҳолари аъло бўлган, намунали хулқ-атворли ва жамоат ишларида фаоллик кўрсатган 11-синф битирувчиларига берилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда умумий ўрта таълим муассасалари битирувчиларини аъло баҳоларга ўқиганлиги, намунали хулқ-атвори ва жамоат ишларидаги фаоллиги учун олтин ва кумуш медаль билан тақдирлаш тартибини тасдиқласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар, олий таълим, мактабдан ташқари таълим соҳасига давлат-хусусий шерикликнинг жорий этилиши борасида мавжуд аҳволни ва илғор хорижий давлатлар тажрибасини, жумладан, жойига чиққан ҳолда ўрганиб, белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар, Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлардаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари билан биргаликда икки ой муддатда жаҳондаги олий таълим муассасалари рейтингда 1000 талик рўйхатга кирадиган хорижий олий таълим муассасаларининг, шу жумладан, педагогика йўналишидаги олий таълим муассасаларининг филиал (факультет)ларини Ўзбекистон Республикасида лицензия олмасдан ва бошқа имтиёзли шартларда ташкил этиш масаласини ўрганиб чиқсин ҳамда аниқ таклифлар киритсин.

16. Қуйидагилар тақиқлансин:

халқ таълими ходимларини хизмат мажбурияти билан боғлиқ бўлмаган ишларга, мажбурий меҳнатга, шу жумладан, туман ва шаҳарлар ҳудудларини ободонлаштириш ҳамда қўқаламзорлаштириш ишлари, мавсумий кишлок хўжалиги ишлари ҳамда бошқа турдаги ишларга жалб қилиш;

халқ таълими ходимларини уларнинг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган йиғилишлар ва бошқа тадбирларга жалб қилиш, уларнинг босма нашрларга мажбуран обуна бўлишини ташкил этиш;

халқ таълими муассасалари фаолиятини қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган асосларга ва ўрнатилган тартибга риоя этмаган ҳолда текшириш.

Давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари мазкур талаблар бузилган ҳолларда тегишли жавобгарликка тортилиши ҳақида қатъий огоҳлантирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда педагог ходимларнинг ҳуқуқ ва

эркинликларини чеклаш ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан мунтазам равишда назорат тадбирларини ўтказсин ҳамда айбдор шахсларнинг жавобгарликка тортилишини таъминласин.

17. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Халқ таълими вазирлиги, унинг ҳудудий тузилмалари фаолиятини янада такомиллаштириш, шу жумладан, унинг ташкилий тузилмасини қайта кўриб чиқиш ва штатлар сонини мақбуллаштириш орқали таълим соҳасига бошқарувнинг илғор услубларини жорий этиш юзасидан таклифлар киритсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2019 йил 1 августга қадар Молия вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан биргаликда умумий ўрта таълимнинг амалдаги таянч ўқув режасини қайта кўриб чиқиб, 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб 10 фоизга қисқартириш ҳамда мазкур фанлар бўйича дарс соатлари қисқартирилган мутахассисларни талаб юқори бўлган бошқа ўқув фанларга бепул қайта тайёрлаб ўтказиш юзасидан таклиф киритсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу қарор ва дастурларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш учун зарур маблағларни 2018 йил учун ажратсин ҳамда 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари параметрларида назарда тутсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

23. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчилари А.А. Абдувахитов ва Қ.К. Куранбаев, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 14 август,
ПҚ-3907-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

679 Давлат умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларини замонавий ягона мактаб формаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида*

Давлат умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларининг кийиниш маданияти ва тартиб-интизомга амал қилиш кўникмаларини мустаҳкамлаш, саломатликларини муҳофаза қилиш учун тегишли шарт-шароитлар яратиш, маънавий ва жисмоний соғлом авлодни камол топтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2018/2019 ўқув йили давомида давлат умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчилар учун замонавий ягона мактаб формасини (кейинги ўринларда мактаб формаси деб юритилади) жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қуйидагилар:

давлат умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари учун замонавий ягона мактаб формасининг шакллари 1-иловага* мувофиқ;

давлат умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари учун замонавий ягона мактаб формасини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки, 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб ўқувчиларнинг давлат умумий ўрта таълим муассасасига 1-иловага мувофиқ тасдиқланган шакллардаги мактаб формасида келишлари ихтиёрий, 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб эса мажбурий ҳисобланади.

4. «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси мактаб формасини ишлаб чиқарувчи ташкилотларни белгилашда уларнинг технологик жиҳатдан ишлаб чиқариш имкониятлари ва ҳудудий жойлашувини (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудида) инобатга олган ҳолда мактаб формасини ишлаб чиқарувчи ташкилотлар рўйхатини ҳудудлар бўйича шакллантирсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси билан биргаликда мактаб формаси савдосини ташкил қилиш мақсадида республиканинг ҳар бир туман (шаҳар) марказида аҳолига қулай жойларда мактаб

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 16 августда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

формасини ишлаб чиқарувчи ташкилотларнинг савдо шохобчаларини ташкил этсин ва уларнинг жойлашиш манзилларини оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги, «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги мактаб формасининг белгиланган стандартларга, санитария қоидалари нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ сифатли тўқимачилик маҳсулотларидан тайёрланиши устидан назорат ўрнатсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги:

2018/2019 ўқув йилидан бошлаб мактаб формасининг давлат умумий ўрта таълим муассасаларида ихтиёрий жорий қилинишига кўмаклашсин;

2019/2020 ўқув йилидан бошлаб мактаб формасининг давлат умумий ўрта таълим муассасаларида тўлиқ жорий этилишини таъминласин;

ўқувчиларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар орасида давлат умумий ўрта таълим муассасаларига мактаб формасида келишнинг афзалликлари тўғрисида тушунтириш ишларини олиб борсин.

8. Тижорат банкларига аҳолининг мактаб формаларини харид қилиши учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасидан ошмайдиган фоиз ставкаси бўйича қисқа муддатли (олти ойдан кам бўлмайдиган) истеъмол кредитлари ажратиш тавсия этилсин.

9. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон миллий теле-радиокомпаниясига ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти, мактаб формаси жорий қилинишининг ўқувчилар ўртасида ижтимоий тенгликни мустаҳкамлашга ва сифатли таълим-тарбия олиш учун шароит яратишга хизмат қилиши оммавий ахборот воситаларида, жумладан, ижтимоий роликлар орқали мунтазам ва кенг ёритиш тавсия этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда улар қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдухакимов, халқ таълими вазири Ш.Х. Шерматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 15 август,
666-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 15 августдаги 666-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Давлат умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари
учун замонавий ягона мактаб формасини жорий этиш
тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом давлат умумий ўрта таълим муассасалари (кейинги ўринларда таълим муассасалари деб юритилади) ўқувчилари учун замонавий ягона мактаб формасини (кейинги ўринларда — мактаб формаси) жорий этиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом талаблари таълим муассасалари ўқувчилари учун мажбурий ҳисобланади.

Мазкур Низом талаблари ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаблари ва мактаб-интернатлари, ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаблари ва мактаб-интернатлари учун татбиқ этилмайди.

3. Мактаб формасининг матоси ўқувчиларнинг ёшига, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига тўлиқ жавоб бериши шарт.

**2-боб. Таълим муассасалари ўқувчилари учун замонавий
ягона мактаб формасини жорий этишнинг мақсад ва
вазифалари**

4. Мактаб формасини жорий этишнинг мақсади ўқувчиларнинг билимли, одоб-ахлоқли, соғлом фикрли, ҳар томонлама баркамол шахс бўлиб етишишига кўмаклашиш, ўзаро тенглик ва белгиланган тартиб-қоидаларга итоаткорлик ҳиссини уйғотиш, уларнинг саломатликларини муҳофаза қилиш учун шарт-шароит яратиш, ўқувчилар ўртасида соғлом рақобат муҳитини юзага келтиришдан иборат.

5. Қуйидагилар мактаб формасини жорий этишнинг вазифалари ҳисобланади:

таълим муассасаларида соғлом ижтимоий-психологик муҳитни шакллантириш, ёш авлодга замон талаблари ва миллий кадриятлар асосида таълим-тарбия беришга кўмаклашиш;

ўқувчилар ўртасида ўзаро ижтимоий тенглик тамойилларини қарор топтириш;

таълим муассасаларида ўқувчиларнинг ички тартиб ва одоб-ахлоқ қоидаларига тўлиқ риоя этишларини тартибга солиш;

ўқувчиларни миллий ва умуминсоний кадриятларга ёт бўлган «оммавий маданият» хуружларидан ҳимоя қилишга кўмаклашиш.

**3-боб. Таълим муассасалари ўқувчиларини замонавий
ягона мактаб формаси билан таъминлаш ва уларга
қўйилган талаблар**

6. Ўқувчилар томонидан мактаб формасини кийишда қуйидаги талабларга риоя этилиши лозим:

кийимларнинг ўта тор ёки ўта кенг бичимда бўлмаслиги;

қизлар учун юбканинг узунлиги тиззадан 5 — 15 см пастда бўлиши;

ўғил болалар учун шимнинг узунлиги оёқ тўпидан пастда бўлиши;

оёқ кийимлар пошнасининг 3 сантиметрдан баланд бўлмаслиги;

кўйлакнинг энг юқоридаги фақат битта тугмасидан ташқари бошқа тугмаларнинг қадалган бўлиши;

кийимларнинг тоза ва дазмолланган бўлиши.

7. Ўқувчилар таълим муассасаси биноси ичида бош кийимсиз юришлари лозим, таълим муассасасида ўтказиладиган турли тадбирлар жараёни бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикасида аҳоли турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари билан иборатлиги ҳамда мажбурий умумий ўрта таълим дунёвий характерга эгаллиги муносабати билан ўқувчиларнинг мактаб формасига турли дин ва конфессиялар ҳамда турли субмаданиятларга мансубликни акс эттирувчи элементларни (ҳижоб, кипа, кашая, хоч ва бошқалар) қўшишга йўл қўйилмайди.

Шунингдек, умумтаълим мактабларида:

ўғил бола ўқувчиларнинг таълим муассасасига танасининг очиқ қисмига татуировка туширган ёки пирсинг қилган, сокол қўйган, сочи 2-3 сантиметрдан узун бўлган ва ёрқин рангларга бўяган ҳолда келишларига;

қиз бола ўқувчиларнинг таълим муассасасига танасининг очиқ қисмига татуировка туширган ёки пирсинг қилган, сочини ёрқин рангларга бўяган, юзини кўзга ташланадиган даражада макияж қилган, қулоғига биттадан ортиқ сирга таққан, бармоқларига узук таққан, қўл тирноқларини бўяган ва узун қилиб ўстирган ҳолда келишларига йўл қўйилмайди.

8. Об-ҳаво шароитидан келиб чиқиб, ўқувчилар мактаб формасининг нимчасини ёки костюмини, кўйлакнинг энги узун ёки калта шаклини ихтиёрий равишда кийишлари мумкин. Шунингдек, қишки ўқиш даврида ўқувчи қизларга ягона мактаб формасига мос шим кийишга рухсат берилади.

9. Таълим муассасаси томонидан мактаб формасининг намунавий ягона шакллари раангли расмлари ва техник кўрсаткичлари — матонинг таркиби ва ранги ҳақидаги маълумотлар 1 — 6-синфлар ва 7 — 11-синфлар кесимида таълим муассасасининг барчага кўринарли жойига осиб қўйилади.

10. Таълим муассасаси раҳбарияти ҳар йили 20 февралга қадар ўқувчиларнинг тахминий сони тўғрисидаги маълумотларни синфлар ва жинс (ўғил/қиз) кесимида тегишли туман (шаҳар) халқ таълими бўлимига тақдим этади.

11. Туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари ҳар йили 1 мартга қадар ўқувчиларнинг синфлар ва жинс (ўғил/қиз) кесимидаги туман (шаҳар) бўйича умумлаштирилган маълумотларни (прогноз) Қорақалпоғистон Респуб-

ликаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасига тақдим этади.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси томонидан тасарруфидаги таълим муассасаларидаги жами ўқувчиларнинг синфлар ва жинс (ўғил/қиз) кесимидаги сони (прогноз) тўғрисидаги маълумотларни умумлаштирган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига ҳар йили 10 мартга қадар тақдим этади.

13. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан умумтаълим мактаблари жами ўқувчиларининг синфлар ва жинс (ўғил/қиз) кесимидаги сони (прогноз) тўғрисидаги маълумотларни ҳудудлар бўйича умумлаштирилган ҳолда «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасига ҳар йили 20 мартга қадар тақдим этилади.

14. «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси тақдим этилган маълумотларни ҳисобга олган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ҳар йили апрель — август ойлари давомида ҳудудлар бўйича мактаб формаларининг ишлаб чиқарилишини ташкил этади.

15. «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси мактаб формаларининг ҳудудлар ва туман (шаҳар)лар бўйича ишлаб чиқариш ва савдоси ташкил этиладиган жойлар тўғрисидаги манзилли маълумотларни ҳар йили 20 апрелга қадар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига тақдим этади ва оммавий ахборот воситалари орқали савдоси ташкил этиладиган жойлар тўғрисидаги манзилли маълумотларни эълон қилади.

16. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ишлаб чиқарувчилар ва савдо шохобчаларининг манзиллари ҳақидаги маълумотлар ҳар йили 25 апрелга қадар барча таълим муассасаларга етказилишини таъминлайди.

17. Таълим муассасаси раҳбарияти томонидан ҳар йили 1 майга қадар таълим муассасасининг барчага кўринадиган жойларига мактаб формасини қаерда ва қандай тартибда харид қилиш мумкинлиги тўғрисида тегишли эълон жойлаштирилади ҳамда таълим муассасалари томонидан ота-оналар ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилади.

4-боб. Ўқувчилар томонидан замонавий ягона мактаб формасини кийиш тартибига риоя қилмаганлик учун жавобгарлик

18. Ўқувчиларнинг мактаб формасини кийиш тартибига риоя қилмаслик таълим муассасасининг ички тартиб-қоидаларини бузиш деб баҳоланади ва бундай ўқувчиларга қуйидаги чоралар қўлланиши мумкин:

огоҳлантириш;

кундалик дафтарига қайд этиш;

тушунтириш ишларини олиб бориш учун ота-онасини хабардор қилиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва таълим муассасасидаги йиғилишларда ота-оналар иштирокида муҳокама қилиш.

5-боб. Яқуний қоидалар

19. Ўқувчиларнинг таълим муассасасига мактаб формасида келишларини таъминлаш учун ота-оналар масъул ҳисобланади.

20. Таълим муассасасида ўқувчилар томонидан мактаб формасини кийиш тартибига риоя қилиниши таълим муассасаси раҳбарияти, синф раҳбарлари, ёшлар етакчиси ва педагог ходимлар томонидан назорат қилиб борилади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ****680 Инвестицияларни жалб қилиш, хорижий инвесторлар билан ҳамкорликни ривожлантириш, янги ишлаб чиқаришлар ва иш ўринларини ташкил этиш борасидаги фаолият учун давлат органлари ҳамда ташкилотлари раҳбарларини моддий рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон Фармони билан тасдиқланган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўз вақтида ҳамда сифатли бажариш, шунингдек, инвестицияларни жалб қилиш, хорижий инвесторлар билан ҳамкорликни ривожлантириш, янги ишлаб чиқаришлар ва иш ўринларини ташкил этиш борасидаги фаолият учун давлат органлари ҳамда ташкилотлари раҳбарларини (кейинги ўринларда раҳбарлар деб аталади) моддий рағбатлантиришнинг самарали механизмларини яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг инвестицияларни жалб қилиш, хорижий инвесторлар билан ҳамкорликни ривожлантириш, янги ишлаб чиқаришлар ва иш ўринларини ташкил этиш борасидаги фаолият учун раҳбарларнинг иш самарадорлигини баҳолаш бўйича ҳар йили танлов (кейинги ўринларда танлов деб аталади) ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Инвестицияларни жалб қилиш, хорижий инвесторлар билан ҳамкор-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 18 августда эълон қилинган.

ликни ривожлантириш, янги ишлаб чиқаришлар ва иш ўринларини ташкил этиш борасидаги фаолият учун давлат органлари ҳамда ташкилотлари раҳбарларининг иш самарадорлигини баҳолаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда танлов ғолиблари рейтинги ҳар йили 1 майгача оммавий ахборот воситаларида чоп этилишини ва уларга тегишли сертификатлар ҳамда пул мукофотлари топширилишини таъминласин.

4. Белгилансинки:

а) танлов қўйидаги номинацияларда ўтказилади:

«Инвестицияларни жалб қилганлик, хорижий инвесторлар билан ҳамкорликни ривожлантирганлик учун»;

«Янги ишлаб чиқаришлар ва иш ўринларини ташкил этганлик учун»;

«Инвестиция фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштирганлик, шунингдек, инвестиция лойиҳаларининг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаганлик учун»;

б) танлов ғолибларига Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг захира фонди маблағлари ёки маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ҳар бир номинацияда энг кам иш ҳақининг 100 баравари миқдоридан пул мукофотлари топширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Бадий академияси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда 2018 йилнинг 1 ноябригача бўлган муддатда ҳар бир номинацияда танлов ғолиблари сертификатларининг эскизларини белгиланган тартибда тайёрласин ва тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Миллий телерадиокомпанияси ҳамда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига оммавий ахборот воситаларида танлов иштирокчилари, ғолиблари ва уни ўтказиш шартлари тўғрисидаги ахборот материалларини жойлаштириш тавсия этилсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С.Р. Холмурадов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 16 август,
668-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 16 августдаги 668-сон қарорига
ИЛОВА

**Инвестицияларни жалб қилиш, хорижий инвесторлар билан ҳамкорликни ривожлантириш, янги ишлаб чиқаришлар ва иш ўринларини ташкил этиш борасидаги фаолият учун давлат органлари ҳамда ташкилотлари раҳбарларининг иш самарадорлигини баҳолаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Инвестицияларни жалб қилиш, хорижий инвесторлар билан ҳамкорликни ривожлантириш, янги ишлаб чиқаришлар ва иш ўринларини ташкил этиш борасидаги фаолият учун давлат органлари ҳамда ташкилотлари раҳбарларининг (кейинги ўринларда раҳбарлар деб аталади) иш самарадорлигини баҳолаш бўйича танловни (кейинги ўринларда танлов деб аталади) ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Танлов раҳбарлар рейтингини аниқлаш ва инвестицияларни жалб қилиш, хорижий инвесторлар билан ҳамкорликни ривожлантириш, янги ишлаб чиқаришлар ва иш ўринларини ташкил этиш, шунингдек, ушбу низомга иловага* мувофиқ схема бўйича тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун ишбилармонлик муҳитини яхшилашда уларнинг манфаатдорлигини рағбатлантириш мақсадида ўтказилади.

3. Танлов ҳар йили ўтказилади. Календарь йили танловни ўтказиш учун ҳисобот даври ҳисобланади.

4. Танлов:

«Инвестицияларни жалб қилганлик, хорижий инвесторлар билан ҳамкорликни ривожлантирганлик учун»;

«Янги ишлаб чиқаришлар ва иш ўринларини ташкил этганлик учун»;

«Инвестиция фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштирганлик, шунингдек, инвестиция лойиҳаларининг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаганлик учун» номинацияларида ўтказилади.

5. Танловда:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шаҳарлар ҳамда туманлар ҳокимларининг инвестициялар бўйича ўринбосарлари;

Қорақалпоғистон Республикаси Инвестициялар бўйича қўмитасининг раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар инвестициялар бўйича бошқа бошқармаларининг раҳбарлари;

эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари дирекциясининг директорлари иштирок этиш ҳуқуқига эга.

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

6. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси (кейинги ўринларда Қўмита деб аталади) танловни ташкил этиш бўйича масъул ҳисобланади.

2-боб. Танловни ўтказиш бўйича эксперт комиссиясининг фаолиятини ташкил этиш

7. Қўмита ҳар йили 10 мартгача етти аъзодан иборат таркибда танловни ўтказиш бўйича эксперт комиссиясини (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) ташкил этади.

Комиссия таркибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тегишли комплексининг раҳбари тасдиқлайди.

8. Комиссия таркибига, одатда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ҳамда Савдо-саноат палатаси вакиллари киритилади.

9. Комиссия унинг мажлисларида Комиссия аъзоларининг камида ярми иштирок этганда қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Комиссия қарорлари мажлисда иштирок этадиган Комиссия аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Овозлар тенг бўлган ҳолатларда, Комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

10. Комиссия қарори протокол билан расмийлаштирилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг Хорижий давлатлар билан ҳамкорликни ривожлантириш ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш департаменти комиссиянинг ишчи органи (кейинги ўринларда Ишчи орган деб аталади) ҳисобланади.

12. Комиссиянинг иш тартиби Комиссия тасдиқлайдиган регламент билан белгиланади.

3-боб. Танловни ўтказиш тартиби

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳар йили 20 мартгача Қўмитага ҳар бир номинацияда биттадан даъвогар танловда иштирок этиши учун қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган тақдимномалар киритади:

инвестицияларни фаол жалб қилиш ва ўзлаштириш соҳасидаги фаолият кўрсаткичлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг вилоятлар бошқармалари тасдиқлайдиган ахборот;

номенантнинг инвестиция муҳитини яхшилашга доир ташаббуслари;

ҳисобот даври ва ўтган йилнинг шу даври учун хорижий инвесторлар билан ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш тўғрисидаги ахборот.

14. Ишчи орган йигирма кунлик муддатда танловда иштирок этиш учун

тақдим этилган ҳужжатларни комплекслилик ва ишончлилик бўйича ўрганади ва унинг натижаларини Комиссияга юборади.

15. Даъвогарлар тақдим этган ҳужжатларни Комиссия 25 апрелгача бўлган муддатда фаолиятнинг ҳар бир кўрсаткичи бўйича тўпланган баллар миқдорини Комиссия томонидан белгиланадиган мезонларга мувофиқ жамлаш орқали кўриб чиқади.

16. Комиссия ҳар бир номинацияда тўпланган баллар сони бўйича биринчи ўринларни эгаллаган ғолибларни (кейинги ўринларда танлов ғолиблари деб аталади) аниқлайди.

17. Танлов яқунлари Комиссия протоколи билан тасдиқланади.

18. Танлов ғолибларига ҳар йили 1 майдан кечиктирмасдан сертификатлар ва пул мукофотлари топширилади.

Пул мукофоти миқдори Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг захира фонди маблағлари ёки маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ҳар бир номинацияда энг кам иш ҳақининг 100 баравари миқдорини ташкил этади.

19. Танловда иштирок этган барча даъвогарларга Қўмитанинг миннатдорлик мактуби топширилади.

4-боб. Яқунловчи қоида

20. Танловда иштирок этиш учун берилган материаллар қайтариб берилмайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**681** Дастурий маҳсулотлар ва ахборот маҳсулотларидан фойдаланиш ҳуқуқини амалга ошириш ҳамда расмийлаштиришнинг божхона расмийлаштируви (декларациялаш) ва бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3724-сон қарорига мувофиқ ҳамда мамлакатимизда дастурий маҳсулотлар бозорини жадал ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Дастурий маҳсулотлар ва ахборот маҳсулотларидан фойдаланиш ҳуқуқини амалга ошириш ҳамда расмийлаштиришнинг божхона расмийлаштируви (декларациялаш) ва бухгалтерлик ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш.М. Садиков зиммасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Электрон ҳукумат, телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 16 август,
670-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 17 августда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 16 августдаги 670-сон қарорига
ИЛОВА

**Дастурий маҳсулотлар ва ахборот маҳсулотларидан
фойдаланиш ҳуқуқини амалга ошириш ҳамда расмийлаштириш-
нинг божхона расмийлаштируви (декларациялаш) ва
бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом дастурий маҳсулотлар ва ахборот маҳсулотларидан, шу жумладан «булутли технологиялар»ни харид қилиш ва уларга обуна бўлиш (кейинги ўринларда рақамли маҳсулотлар деб аталади) хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқини амалга ошириш ҳамда расмийлаштиришнинг божхона расмийлаштируви (декларациялаш) ва бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибини белгилайди.

Ушбу Низомнинг амал қилиши рақамли маҳсулотлар бўйича битимларни амалга оширадиган Ўзбекистон Республикасининг барча хўжалик юритувчи субъектларига татбиқ этилади.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

рақамли маҳсулотлар импорти — хорижий давлатнинг юридик ёки жисмоний шахси томонидан рақамли маҳсулотлар учун мутлақ ҳуқуқлар ёки рақамли маҳсулотлардан фойдаланиш ҳуқуқини Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахсига бериш ёхуд юридик ёки жисмоний шахсининг электрон ахборот муҳитида амалга ошириш жойидан қатъи назар, муайян ҳаракатларни ёки моддий натижага эга бўлмаган муайян фаолиятни амалга ошириши;

моддий ташувчи — рақамли маҳсулотларни яратиш, қайд этиш, уза-тиш, қабул қилиш, сақлаш ёки бошқа тарзда ишлатиш учун қўлланиладиган магнит, оптик, лазерли ёки бошқа электрон ахборот ташувчиси;

скриншот — шахсий компьютер ёки мобил қурилма экранининг, шу жумладан интернет саҳифасининг тасвирланган ўзгармаган график кўри-ниши;

хўжалик юритувчи субъект — иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи юридик шахс ёки юридик шахс ташкил этмаган яқка тартибдаги тadbиркор;

рақамли маҳсулотлар — интеллектуал мулк объектларининг электрон нусхалари (рақамли товарлар), шунингдек, электрон ахборот муҳитида моддий натижага эга бўлмаган муайян ҳаракатлар ёки муайян фаолиятни амалга ошириш, шу жумладан «булутли технологиялар» хизматини харид қилиш ва унга обуна бўлиш хизматлари (рақамли хизматлар);

рақамли дистрибуция — рақамли маҳсулотларни моддий ташувчидан фойдаланмаган ҳолда, шу жумладан бутунжаҳон Интернет тармоғи

орқали шахсий компьютерга ёки мобил қурилмага юклаш (юклар олиш) орқали тарқатиш усули, онлайн хизматлардан фойдаланишга рухсат бериш ёки обуна бўлиш ва бошқалар;

рақамли маҳсулотлар экспорти — Ўзбекистон Республикасининг юридик ёки жисмоний шахси томонидан рақамли маҳсулотлар учун мутлақ ҳуқуқлар ёки рақамли маҳсулотлардан фойдаланиш ҳуқуқини хорижий давлатнинг юридик ва жисмоний шахсига бериши ёхуд амалга ошириш жойидан қатъи назар юридик ёки жисмоний шахснинг электрон ахборот муҳитида, муайян ҳаракатларни ёки моддий натижага эга бўлмаган муайян фаолиятни амалга ошириши.

2-боб. Рақамли маҳсулотлар бўйича битимларни ҳужжатли тасдиқлаш

3. Рақамли маҳсулотлар бўйича битимлар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда, шу жумладан электрон тижоратда шартномалар тузиш йўли орқали амалга оширилади.

4. Моддий ташувчиларда тарқатиладиган рақамли маҳсулотлар бўйича битимлар бошқа товарлар билан тузиладиган битимларга ўхшаш тарзда ҳужжат билан тасдиқланади.

5. Рақамли дистрибуция усуллари орқали тарқатиладиган рақамли маҳсулотлар бўйича битимлар:

а) электрон чеклар, рақамли маҳсулотга бўлган ҳуқуқни сотиб олиш квитанциялари, рақамли дистрибуция жараёнида ахборот тизимлари орқали шакллантирилган ва битим томонларини идентификация қилиш имконини берувчи бошқа хабарлар;

б) хўжалик юритувчи субъектнинг ички ҳужжатлари (хўжалик юритувчи субъектнинг жавобгар шахси ҳисоботи, банк кўчирмаси, бухгалтерлик маълумотнома ва бошқалар) билан тасдиқланади.

6. Хўжалик юритувчи субъектлар бирламчи ҳужжатларга қуйидагиларни илова қилган ҳолда бир томонлама расмийлаштириш ҳуқуқига эга:

а) қўшилиш шартномаси, оферта, лицензия ва бошқа шартноманинг электрон нусхалари;

б) инвойс, счёт-фактура ёки контрагентдан электрон хабар шаклида олинган бошқа ҳужжат нусхалари;

в) электрон тўлов тизимларидаги транзакциялар скриншоти, рақамли товарни сотиб олиш тўғрисидаги веб-сайтдан лог-ҳисоботлар ва пул маблағлари тушганини ва тўланганини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар.

Ушбу ҳужжатда контрагент масъул шахсларининг имзоси талаб қилинмайди. Хўжалик юритувчи субъект рақамли дистрибуция усуллари орқали амалга ошириладиган рақамли маҳсулотлар бўйича битим операцияларини рўйхатга олиш учун бирламчи ҳужжат шаклини Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни талабларини инобатга олган ҳолда мустақил равишда ишлаб чиқади.

3-боб. Рақамли маҳсулотлар экспорти ва импортнинг ўзига хос хусусиятлари

7. Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан моддий ташувчи орқали олиб ўтиладиган рақамли маҳсулотларнинг божхона расмийлаштируви (декларациялаш) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

8. Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кириладиган ва маълумотларни қайта ишлаш ускуналари учун рақамли маҳсулотларни ўз ичига олган моддий ташувчининг божхона қийматини аниқлашда, баҳоланаётган товар учун амалда тўланган ёки тўланиши лозим бўлган нархдан дастурий таъминотнинг қиймати ва (ёки) ахборот моддий ташувчининг қийматини ажратиш шарти билан фақат ахборот ташувчининг қиймати ҳисобга олинади.

Агар, рақамли маҳсулот ахборот ташувчи бўлмаган товар таркибига кирса ҳамда бундай дастурий таъминотсиз ўзига хос бўлган вазифаларни бажара олмайдиган ушбу товарнинг ишлашини таъминлашга қаратилган бўлса, рақамли маҳсулот қиймати товар қийматидан ажратилмайди.

9. Рақамли дистрибуция усуллари орқали экспорт ёки импорт қилинадиган рақамли маҳсулотлар божхонада расмийлаштирилмайди.

10. Рақамли маҳсулотларни бутунжаҳон Интернет тармоғидаги хорижий электрон савдо майдончалари орқали рақамли дистрибуция йўли билан экспорт қилганда:

хорижий валютадаги тушумлар рақамли маҳсулот сотилганидан кейин хорижий онлайн-савдо майдончаси хизматлари ҳақи экспортчининг ҳисоб-рақамига чегириб қолинган ҳолда ўтказилади;

тушумларнинг тушиш муддатлари хорижий онлайн-савдо майдончаси қоидаларига мувофиқ белгиланади.

4-боб. Рақамли маҳсулотларнинг бухгалтерия ҳисоби

11. Рақамли маҳсулотларни буюртма асосида яратиш ишларини бажаришда уларни буюртмачига топшириш юридик шахсларнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

ижрочид — бажарилган ишларни амалга оширишдан олинган даромад сифатида:

4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олиннадиган ҳисобварақлар» ҳисобварағининг дебети;

9030 «Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар» ҳисобварағининг кредити;

буюртмачида:

номоддий активларни яратиш билан боғлиқ харажатлар сифатида:

а) 0830 «Номоддий активларни харид қилиш» ҳисобварағининг дебети;

6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар» ҳисобварағининг кредити;

б) 0400 «Номоддий активларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар» ҳисобварағининг дебети

0830 «Номоддий активларни харид қилиш» ҳисобварағининг кредити;
ёки жорий ҳаражатлар сифатида:

ҳаражатларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар дебети;

6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар» ҳисобварағининг кредити.

12. Рақамли маҳсулотларнинг мутлақ ҳуқуқларининг олди-сотдиси юридик шахсларнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

ижрочида — бошқа активларнинг чиқиб кетиши сифатида;

а) номоддий активларнинг реализация қилинган (сотилган) қиймати:

4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар» ҳисобварағининг дебети;

9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» ҳисобварағининг кредити;

б) қўшилган қиймат солиғи ҳисобланганда:

9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» ҳисобварағининг дебети;

6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» ҳисобварағининг кредити;

в) номоддий активларнинг бошланғич қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» ҳисобварағининг дебети;

0400 «Номоддий активларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар» ҳисобварағининг кредити;

г) номоддий активларнинг жамланган эскириши ҳисобдан чиқарилганда:

0500 «Номоддий активлар амортизациясини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар» ҳисобварағининг дебети;

9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» ҳисобварағининг кредити;

д) номоддий активларнинг чиқиб кетишидан олинадиган даромад суммасида:

9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» ҳисобварағининг дебети;

9320 «Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан олинадиган даромад» ҳисобварағининг кредити;

е) номоддий активларнинг чиқиб кетишидан етказиладиган зарар суммасида:

9430 «Бошқа операцион ҳаражатлар» ҳисобварағининг дебети;

9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» ҳисобварағининг кредити;

харидорда — номоддий активларни сотиб олиш билан боғлиқ ҳаражатлар сифатида:

а) 0830 «Номоддий активларни харид қилиш» ҳисобварағининг дебети;

6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар» ҳисобварағининг кредити;

б) 0400 «Номоддий активларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар» ҳисобварағининг дебети;

0830 «Номоддий активларни харид қилиш» ҳисобварағининг кредити;

жорий ҳаражатлар сифатида:

ҳаражатларни ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг дебети;

6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар» ҳисобварағининг кредити.

13. Рақамли маҳсулотларнинг фойдаланиш ҳуқуқларининг олди-сотдиси юридик шахсларнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс этирилади:

лицензиарда:

а) хизматларни кўрсатишдан олинган даромад сифатида — агар кўрсатилган даромад суммаси товарларни (хизматлар, ишлар) сотишдан олинган даромадларнинг умумий суммасидан ошса:

4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар» ҳисобварағининг дебети;

9030 «Ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишдан олинадиган даромадлар» ҳисобварағининг кредити;

б) роялти кўринишидаги бошқа даромадлар сифатида — агар кўрсатилган даромад суммаси товарларни (хизматлар, ишлар) сотишдан олинган даромадларнинг умумий суммасидан ошмаса:

4850 «Олиш учун роялти» ҳисобварағининг дебети;

9510 «Роялти кўринишидаги даромадлар» ҳисобварағининг кредити;

лицензиатда:

келгусидаги харажатларга таалуқли харажатлар сифатида — агар шартнома шартларига кўра, рақамли маҳсулотлардан фойдаланиш ҳуқуқи муайян муддатга тақдим этилса ва маълум бир муддат учун тўлов тўланса:

а) келгуси даврлар учун тўланган ёки қирим қилинган харажатлар:

3190 «Келгуси даврларнинг бошқа харажатлари» ҳисобварағининг дебети;

5110 — 5530 пул маблағлари кредит ҳисобварақлари ёки 6930 «Роялти бўйича қарз» ҳисобварағининг кредити;

б) харажатлар учун сарфланадиган келгуси даврлар харажатлари суммаси бўйича:

харажатларни ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг дебети;

3190 «Келгуси даврларнинг бошқа харажатлари» ҳисобварағининг кредити.

Жорий харажатлар учун келгуси даврлар харажатларини ҳисобдан чиқариш белгиланган муддатда тенг равишда ёки жорий харажатлар сифатида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сони ёки ҳажмига пропорционал равишда амалга оширилади, агар шартнома шартлари бўйича:

рақамли маҳсулотлардан фойдаланиш ҳуқуқи муддат кўрсатилмаган ҳолда тақдим этилганда;

рақамли маҳсулотлардан фойдаланиш ҳуқуқи муайян муддатга берилганда ва фойдаланиш ҳуқуқи учун даврий тўловлар назарда тутилганда:

харажатларни ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг дебети;

5110 — 5530 пул маблағлари кредит ҳисобварақлари ёки 6930 «Роялти бўйича қарз» ҳисобварағининг кредити.

5-боб. Яқунловчи қоида

14. Рақамли маҳсулотлар билан боғлиқ битимни амалга оширувчи субъектлар ушбу Низом нормаларига риоя этилмаганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI VAZIRLAR MAҲKAMASINING
ҚАРОРИ**682 Истироҳат боғлари ва яшил зоналарни ташкил этиш методологияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида***

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат Дастурини бажариш, шунингдек, истироҳат боғларини ташкил этиш ва улардан фойдаланишда давлат-хусусий шерикликни жорий этиш ҳисобидан инвестицияларни жалб қилиш орқали уларнинг фаолиятини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Истироҳат боғлари ва яшил зоналарни ташкил этиш методологияси тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги билан биргаликда 2018 — 2020 йилларда давлат-хусусий шериклик механизмларини қўллаган ҳолда истироҳат боғларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш бўйича ҳудудий дастурларни икки ой муддатда ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқласин.

3. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси А.Ж. Раматов, Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири А.Х. Тўхтаев ва маданият вазири Б.С. Сайфуллаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 17 август,
671-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 20 августда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 17 августдаги 671-сон қарорига
ИЛОВА

Истироҳат боғлари ва яшил зоналарни ташкил этиш методологияси тўғрисида НИЗОМ

1. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом давлат-хусусий шериклик механизмларини қўллаган ҳолда истироҳат боғлари ва яшил зоналарни ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

истироҳат боғи (боғлари) — аҳолининг дам олиши учун фойдаланиладиган, яшил экинлар билан қопланган, муайян ҳажмли-макон композициясида ташкил этилган ва ўз функцияларига, аҳоли пунктларининг режалаштириш тузилмасида жойлашуви, шунингдек, табиий шароитларга кўра таснифланадиган ландшафт архитектура объектлари;

яшил зоналар — аҳоли пунктларининг рекреацион мақсаддаги ҳудудлари (шаҳарсозлик элементлари), шунингдек, яшил экинлар билан қопланган ва табиатни муҳофаза қилиш функцияларини бажарадиган ҳамда аҳолининг дам олиши учун фойдаланиладиган уларга туташ ҳудудлар;

давлат-хусусий шериклик — ўзаро манфаатли шароитларда ижтимоий аҳамиятга эга вазифаларни ҳал этиш, хусусий инвестицияларни жалб қилиш, ресурсларни бирлаштириш ва истироҳат боғларини ташкил этиш ҳамда улардан фойдаланиш соҳасида амалга ошириладиган таваккалчиликларни тақсимлаш мақсадида туман (шаҳар) ҳокимлиги билан келишган ҳолда маълум муддатга юридик расмийлаштирилган давлат шериги ва хусусий шерикнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги;

давлат шериги — туманлар (шаҳарлар) маданият бўлимларига бириктирилган истироҳат боғлари учун — Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги, вилоятлар маданият бошқармалари ва Тошкент шаҳар маданият бош бошқармаси ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органлари таъсисчилари ҳисобланган истироҳат боғлари учун — туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари;

хусусий шерик — давлат шериги билан давлат-хусусий шериклик тўғрисида шартнома (концессион битим) тузган юридик шахс;

танлов комиссияси — танлов тартиб-таомилларини амалга ошириш, жумладан даъвогарларнинг аризаларини баҳолаш ва таққослаш, шунингдек, танлов ғолибини аниқлаш учун туман (шаҳар) ҳокимининг қарори билан ташкил этиладиган коллегиял орган;

концессия (концессион битим) — маълум муддатга тузилган шартнома бўлиб, унга кўра давлат хорижий инвесторга (концессионерга) қуришиш учун ер участкаларига, реконструкция қилиш учун бино ва иншоотларга эгалик қилиш (тасарруф этиш ҳуқуқисиз) ва улардан фойдаланиш,

шунингдек, истироҳат боғларини жиҳозлаш ҳуқуқларини беради, концессион фаолият натижасида концессионер оладиган маҳсулот ва даромадлар концессион битимда белгиланган ҳажмлар ва шартлар асосида унинг мулки ҳисобланади.

2-боб. Истироҳат боғларини жойлаштириш

3. Истироҳат боғлари аҳоли пунктларининг ҳудудларини ривожлантиришни режалаштириш бўйича қуйидаги ҳужжатлар (кейинги ўринларда шаҳарсозлик ҳужжати деб аталади) асосида ташкил этилади:

аҳоли пунктларининг бош режалари;
батафсил режалаштириш лойиҳалари.

4. Шаҳарсозлик ҳужжати мавжуд бўлмаганда, ер участкаларини танлаш, ер участкаларини танлаш ва ажратиш бўйича материалларни келишиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

5. Истироҳат боғлари аҳоли пунктларида, одатда, ободонлаштирилмаган бўш турган ҳудудларда, улар мавжуд бўлмаганда эса — боғ-парк ёки ўрмон участкалари ҳудудида жойлаштирилади.

Қуйидагилар истироҳат боғларини ташкил этишга қўйиладиган асосий талаблар ҳисобланади:

юқори технологик, замонавий асбоб-ускуналар, технологиялар ва аттракционлар билан жиҳозланганлик;

ландшафт дизайнининг замонавий намуналарини қўллаш;
фаввораларни, шу жумладан, картографик фаввораларни қуриш;
велосипед йўлакчалари, болалар аттракционлари ва оилавий дам олиш учун бошқа объектларни ўз ичига олган оилавий зоналарни ободонлаштириш;

аҳоли барча қатламларининг маданий-дам олиш хизматларидан фойдаланиши.

6. Истироҳат боғлари қуйидаги мезонлар бўйича таснифланади:

а) аҳоли пунктлари ҳудудида жойлашуви бўйича:

умумшаҳар (марказий);
туман (турар жой ҳудудларида);

б) географик жойлашув бўйича:

шаҳар истироҳат боғлари;
шаҳардан ташқари истироҳат боғлари;

қишлоқ истироҳат боғлари (шаҳар типидagi посёлкаларда, қишлоқлар ва овулларда);

в) ҳажми бўйича:

1 — 3 гектар майдонга эга III тип;

4 — 7 гектар майдонга эга II тип;

8 ва ундан ортиқ гектар майдонга эга I тип;

г) функционал йўналиши бўйича:

кўп тармоқли;

ихтисослаштирилган (спорт, болалар, сайр қилиш учун мўлжалланган,

кўрғазма-истироҳат боғлари, мемориал, илмий-маърифий, этнографик, ботаника ва зоология боғлари, боғ-парк санъати истироҳат боғлари-ёдгорликлари, санаторий-курорт истироҳат боғлари (курорт шаҳарларда):

д) табиий ва ландшафт-генетик хусусиятлари бўйича:

тоғолди;

қирғоқбўйи (дарёлар қирғоқлари ва қияликларида);

ўрмон боғлари;

гидробоғлар (сув тизимлари асосида ташкил этилади);

майсазор боғлар (очиқ майсазорлар кенгликлари асосида ташкил этилади).

7. Барча ёш гуруҳларидаги аҳолининг фойдаланишини таъминлаш мақсадида оммавий дам олиш учун мўлжалланган кўп тармоқли истироҳат боғлари бир текис жойлаштирилади.

Йирик шаҳарлардаги эпизиотик ташриф буюриладиган истироҳат боғларида билим орттириш ёки кўнгилочар дам олиш турлари учун (кўрғазма-истироҳат боғлари, этнография, ботаника ва зоология боғлари) транспортдан фойдаланиш имкониятлари мавжуд бўлиши керак.

8. Истироҳат боғлари худудларида:

оилавий дам олиш объектлари (болалар кафелари, ўйин хоналари ва болалар учун катта ёшлилар назорати остида ўтказиладиган махсус дастурлар таклиф этиладиган ҳамда ота-оналарга бу вақтда дам олиш имконияти бериладиган бошқа объектлар);

ёзги театрлар;

хореография ва мусиқа жамоалари ҳамда гуруҳларининг чиқишлари ташкил этиладиган сахналар;

лекторийлар;

ўқиш заллари ва кутубхоналар;

аттракционлар;

рақс заллари ва майдончалари;

тирлар;

болалар шаҳарчалари;

спорт майдончалари;

алохида фавворалар ёки фавворалар комплекси;

умумий овқатланиш ва савдо пунктлари;

чанғи учуш жойлари (қиш даврида фойдаланиладиган);

сув спорт турлари билан шуғулланиш ва чўмилиш учун сув иншоотлари;

югуриш ва сайр қилиш йўлаклари;

кичик ҳажмдаги архитектура шакллари;

ёдгорликлар, ҳайкаллар, бюстлар ва санъатнинг бошқа асарлари;

кўчма цирк майдончалари;

шаҳарлар ва айрим тарихий объектларнинг мини-макетлари;

жонли бурчаклар;

ижодий ҳаваскорлик билан шуғулланиш бинолари;

фото ва видеостудиялар;

компьютер ўйинлари бинолари;

интернет-кафе;
кайик станциялари (катта сув ҳавзалари мавжуд бўлса);
тиббиёт пунктлари;
турли спорт ва маданий инвентарларни ижарага бериш базалари.

Истироҳат боғлари ҳудудида, одатда, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ велосипед йўлаклари ташкил этилади. Ушбу ҳудудларда кўрғазмалар, байрам тадбирлари (спорт тадбирлари, халқ сайиллари ва бошқа тадбирлар) ўтказилиши мумкин. Шаҳардаги истироҳат боғлари тарихий аҳамиятга эга бўлиши ва боғ-парк санъатининг объектлари-ёдгорликлари ҳисобланиши мумкин.

Истироҳат боғларининг ҳудудлари фаол дам олиш зоналари ва тинч зоналарга ажратилади.

Тинч зоналар таркибига қуйидагилар киради:
ўқиш заллари ва кутубхоналар;
шахмат, шашка, домино, лото ўйинлари учун спорт майдончалари;
югуриш ва сайр қилиш йўлакчалари ҳамда ташриф буюрувчилар тинч-лигини бузмайдиган бошқа элементлар.

Фаол дам олиш зонасига қуйидагилар киради:

ёзги театрлар;
лекторийлар;
аттракционлар;
ракс заллари ва майдончалари;
тирлар;
болалар шаҳарчалари;
спорт майдончалари;
умумий овқатланиш ва савдо пунктлари;
чанғи учиш жойлари (қиш даврида фойдаланиладиган);
сув спорт турлари билан шуғулланиш ва чўмилиш учун сув иншоотлари;
кўчма цирк майдончалари;
жонли бурчаклар;
ижодий ҳаваскорлик билан шуғулланиш бинолари;
фото ва видеостудиялар;
компьютер ўйинлари бинолари;
интернет-кафе;
кайик станциялари (катта сув ҳавзалари мавжуд бўлса);
тиббиёт пунктлари;
турли спорт ва маданий инвентарларни ижарага бериш базалари.

9. Энг йирик, йирик ва катта шаҳарларда, кичик шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари — туман марказларида, қишлоқлараро зоналар ва қисқа муддатли дам олиш масканларида ҳажмлари шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ белгиланадиган болалар махсус истироҳат боғлари (спорт, кўрғазма, зоология ва бошқа боғлар) ташкил этилиши мумкин.

10. Истироҳат боғлари ва боғларни жойлаштиришда мавжуд экинлар ва ховузлар бўлган участкаларни имкон қадар сақлаб қолиш зарур.

11. Истироҳат боғларида жамоат транспортдан фойдаланиш вақти

(транспортни кутиш вақтини ҳисобга олмаганда) 20 дақиқадан ошмаслиги керак.

12. Истироҳат боғи худудида бир вақтнинг ўзида ташриф буюрадиганларнинг ҳисоблаб чиқилган сони гектарига 100 кишидан ошмаслиги зарур.

13. Ҳайвонот боғларини рекреацион аҳамиятга эга зоналар таркибида жойлаштиришни назарда тутиш лозим. Ҳайвонот боғининг чегарасидан турар жой ва ижтимоий биноларгача бўлган масофа маҳаллий давлат санитария-эпидемиология назорати органлари билан келишилган ҳолда, аммо муайян бир жойда эсадиган шамол ҳисобга олинб (шамолга рўпара томонга ва шамолга тескари томонда икки марта оширилган) камида 500 метр қилиб белгиланади.

3-боб. Яшил зоналарни шакллантириш ва жойлаштириш

14. Дам олиш, туризм, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун мўлжалланган яшил зоналар таркибига қуйидаги ҳудудлар киритилади:

шаҳар ўрмонлари;

хиёбонлар;

истироҳат боғлари;

шаҳар боғлари;

пиёда юриш учун мўлжалланган хиёбонлар.

15. Аҳоли пунктларининг яшил зоналари шаҳардан ташқари ҳудудларнинг тузилиш-режалаштириш ечими билан боғлиқ ҳолда ташкил этилади.

Яшил зоналар бевосита шаҳарга яқин ва шаҳар ташқарисидаги зоналар таркибида жойлаштирилиши мумкин.

16. Аҳолининг яшил зоналарда жойлашган қисқа муддатли оммавий дам олиш объектларигача бўлган масофа (рекреацион йўналишдаги) жамоат транспортдан фойдаланиш ҳисобга олинган ҳолда, одатда бир ярим соатни ташкил этиши зарур.

17. Аҳоли пунктларининг мавжуд ва лойиҳа чегаралари доирасида яшил зоналарда табиатни муҳофаза қилиш, илмий, тарихий-маданий, эстетик, рекреацион, соғломлаштириш ва бошқа алоҳида аҳамиятга эга ер участкаларини ўз ичига олган қўриқланадиган табиий ҳудудлар зоналари ажратилади.

18. Яшил зоналар ҳудудлари ва қўриқланадиган табиий ҳудудларда рекреацион йўналишдаги объектлардан фойдаланиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган фаолият кўрсатаётган саноат, коммунал-омборхона ва бошқа объектларни кенгайтириш ҳамда янгиларини қуришга йўл қўйилмайди.

19. Яшил зоналар доирасида шаҳар атрофидаги хўжалик ва қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи бинолар ҳамда иншоотларни жойлаштиришга рухсат этилади.

20. Зоналар сунъий кўкаламзорлаштириш ва табиий ландшафтни сақлаш орқали шакллантирилади.

21. Яшил зоналарда экологик ва рекреацион функцияларни бажаришга салбий таъсир кўрсатадиган хўжалик фаолияти тақиқланади.

**4-боб. Истироҳат боғларини ташкил этиш ва улардан
фойдаланишда давлат-хусусий шерикликни амалга
ошириш**

22. Истироҳат боғларини ташкил этиш ва улардан фойдаланишда давлат-хусусий шерикликнинг мақсадлари қуйидагилар ҳисобланади:

истироҳат боғларини ташкил этиш, реконструкция, модернизация қилиш, уларга хизмат кўрсатиш ёки улардан фойдаланишда хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобидан истеъмолчиларга кўрсатиладиган хизматларни яхшилаш ҳамда улардан фойдаланиш имкониятини ошириш;

истироҳат боғи мулкидан фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш.

23. Давлат-хусусий шериклик қуйидаги шаклларда амалга оширилади: фаолият кўрсатаётган истироҳат боғлари ҳудудларидаги ер участкаларини ушбу Низомнинг 8-бандида қайд этилган объектларни қуриш учун ижарага бериш;

истироҳат боғи бино ва иншоотларини ижара шартномасига мувофиқ тақсимланадиган даромадни олиш учун реконструкция қилиш ҳамда кейинчалик фойдаланиш мақсадида ижарага бериш;

ер участкаси, бино ёки иншоотни концессион битим асосида хорижий хусусий шерикка қуриш, реконструкция қилиш ҳамда жиҳозлаш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ажратиш.

24. Таркибига Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг ҳудудий органлари (ёки ваколатлар улар томонидан туман (шаҳар) бўғинларига берилади), шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари вакиллари қирадиган танлов комиссияси камида икки иштирокчидан ариза тушганда танлов ўтказилади.

Танлов комиссиясининг намунавий таркиби ушбу Низомга 1-иловада* келтирилган.

Танлов комиссиясининг шахсий таркиби туман (шаҳар) ҳокимининг қарори билан тасдиқланади. Танлов комиссияси аъзоларининг сони тоқ бўлиши ва камида 7 кишини ташкил этиши зарур. Туман (шаҳар) ҳокимининг биринчи ўринбосари танлов комиссиясининг раиси ҳисобланади.

Танлов комиссиясининг иш регламенти танлов комиссияси раиси томонидан тасдиқланади.

Туман (шаҳар) маданият бўлими танлов комиссиясининг ишчи органи (кейинги ўринларда ишчи органи деб аталади) ҳисобланади.

Қуйидагилар ишчи органнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

танлов ҳужжатларини тайёрлаш;

хусусий шерикларнинг сўровномаларига кўра уларга танлов ҳужжатларини тақдим этиш;

хусусий шерикларнинг танловда иштирок этиши учун буюртманомаларни рўйхатга олиш ва уларнинг мазмуни махфийлигини ҳамда сақланишини таъминлаш;

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

хусусий шерикларни истироҳат боғи билан таништириш учун шароитлар яратиш;

хусусий шерикларни тақдим этиладиган ҳужжатлар намуналари билан таъминлаш, шунингдек, уларни расмийлаштиришга кўмаклашиш;

танлов якунлари тўғрисидаги ахборотни чоп этиш.

Ишчи орган хусусий шериклар тақдим этган таклифларнинг сақланиши ва ошкор этилмаслиги, шунингдек, улар учун тенг шароитларни таъминлаш учун жавоб беради.

25. Танлов комиссияси томонидан хусусий шерикнинг аризасини кўриб чиқиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 0,25 микдорига йиғим ундирилади ҳамда давлат шеригининг махсус банк ҳисоб рақамига ўтказилади.

26. Давлат шериги ёки хусусий шерик томонидан давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг таклиф этилиши истироҳат боғларини ташкил этиш ва улардан фойдаланишда давлат-хусусий шерикликни амалга оширишда концессион битим учун асос ҳисобланади.

5-боб. Хусусий шерик томонидан давлат-хусусий шериклик лойиҳасини таклиф этиш тартиби

27. Бутун истироҳат боғини ёки унинг ҳудудида айрим объектларни давлат-хусусий шериклик шартларида ташкил қилишда иштирок этиш истажини билдирган хусусий шерик давлат шеригига тегишли ариза беради.

28. Аризада:

юридик шахслар учун — хусусий шерикнинг номи ва жойлашган жойи (почта манзили), жисмоний шахс учун — шахсий маълумотлар ва яшаш манзили;

лойиҳани амалга ошириш мақсадлари;

тахмин қилинаётган объект ёки ер участкаси тўғрисида маълумот.

29. Давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида келиб тушган ариза давлат шериги томонидан туман (шаҳар) ҳокимлиги билан биргаликда ариза тушган кундан бошлаб ўн кун мобайнида кўриб чиқилади.

30. Ариза кўриб чиқилгач ва туман (шаҳар) ҳокимлигининг ижобий ҳулосаси олингандан сўнг давлат шериги танлов эълон қилади.

Танлов ушбу Низомнинг 6-бобида назарда тутилган тартибда ўтказилади.

31. Ариза ушбу Низомнинг 28-бандида назарда тутилган талаблар бузилган ҳолда тақдим этилганда, ҳужжатлар бир иш куни мобайнида ариза-чига қайтарилади.

Тақдим этилган аризада ушбу Низомнинг 28-бандида назарда тутилган талаблар бузилган ҳолатлар аниқлангани тўғрисидаги хабарнома хусусий шерикка ёзма шаклда, шу жумладан, электрон ахборот тизими орқали қонунчиликнинг муайян нормаларининг бузилиши ҳамда хусусий шерик кўрсатиб ўтилган бузилишларни бартараф этиб, ҳужжатларни такроран

кўриб чиқиш учун давлат шеригига тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда топширилади (юборилади).

Хусусий шерик бузилишларни бартараф этиб, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этадиган муддат ёзма ёки электрон хабарнома олинган кундан бошлаб ўн иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

Такроран тақдим этилган ҳужжатлар қайта тақдим этилган кунда қабул қилинган деб ҳисобланади. Аризани такроран кўриб чиқиш учун йиғим ундирилмайди.

**6-боб. Давлат шериги томонидан давлат-хусусий шериклик
лойиҳасини таклиф этиш тартиби.
Танловни ўтказиш тартиби**

32. Давлат шериги ҳудуд аҳолисининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, жисмоний ва юридик шахслардан тушган таклифларни ўрганиш натижалари асосида ушбу низомга 2-иловага* мувофиқ схема бўйича танлов эълон қилиш орқали давлат-хусусий шериклик лойиҳасини таклиф этиши мумкин.

Давлат шериги туман (шаҳар) маданият бўлими, шунингдек, истироҳат боғи дирекцияси билан биргаликда танлов бошланишидан аввал танловга қўйиладиган ер участкалари, бино ва иншоотларни белгилайди.

33. Давлат шериги танлов бошланишидан аввал 30 календарь куни мобайнида танлов савдоларини ўтказиш тўғрисидаги эълонни Маданият вазирлигининг расмий сайтида, бошқа оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг даврий босма нашрларида мажбурий тартибда жойлаштиради.

34. Танлов тўғрисидаги эълон қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши зарур:

давлат шеригининг номи ва жойлашган жойи (почта манзили), боғланиш учун телефон рақами ва электрон почта манзили;

объектнинг номи, жойлашган жойи, сони ва таснифи;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш шартлари;

давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш шакллари бўйича талаб этиладиган инвестиция ва ижтимоий мажбуриятларнинг минимал ҳажми;

танловни ўтказиш санаси, вақти ва жойи;

танлов таклифларини қабул қилишнинг охириги муддати (кун ва соат кўрсатилган ҳолда).

35. Хусусий шерик танловида иштирок этиш учун давлат шеригига қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган аризани тақдим этади:

танловда иштирок этиш учун буюртманомга тақдим этилган кундан бошлаб бир ой олдинги ҳолатга кўра, солиқлар, йиғимлар, бошқа мажбурий

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тўловлар ва молиявий санкциялар бўйича қарздорлик йўқлиги тўғрисидаги ахборот;

хусусий шерикнинг соф активлари, бошқа ташкилотнинг лойиҳа қийматидан камида 25 фоиз миқдордаги кафолати тўғрисида давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишнинг молиявий имкониятларини тасдиқловчи ахборот;

истироҳат боғини қуриш бўйича (реконструкция қилиш) хомаки лойиҳа таклифи;

истироҳат боғини қуришнинг дастлабки техник-иқтисодий кўрсаткичлари; хусусий шерик томонидан давлат шеригининг бюджетдан ташқари махсус ҳисобрақамига танлов комиссияси унинг аризасини кўриб чиққанлиги учун ушбу Низомнинг 25-бандида назарда тутилган йиғимни киритганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Танловда қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида турган ёхуд мулки ҳибсга олинган даъвогарнинг иштирок этишига йўл қўймайди.

36. Танлов таклифи давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун энг мақбул деб топилган иштирокчи танлов ғолиби деб эътироф этилади.

Шунингдек, танлов натижаларига кўра таклифининг параметрлари танлов шартларига мос келадиган, аммо танлов ҳужжатларига мувофиқ ғолиб томонидан таклиф этилган параметрлардан паст даражада бўлган захирадаги ғолиб ҳам аниқланади.

Танлов ғолиби давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни ушбу Низомнинг 40-бандида белгиланган муддатда имзолашни рад этган ёки бош тортган ҳолатларда битим захирадаги ғолиб билан тузилади. Захирадаги ғолиб билан битим танлов ғолиби билан тузиладиган тартибга ўхшаш тартибда тузилади.

Танловнинг захирадаги ғолиби давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни ушбу Низомнинг 40-бандида белгиланган муддатда имзолашни рад этган ёки бош тортган ҳолатларда танлов натижалари бекор қилинади ҳамда танлов комиссиясининг қарори билан белгиланган муддатларда танлов такроран ўтказилади.

Танловни такроран ўтказишда дастлабки танлов шартлари қайта кўриб чиқилмайди.

37. Фақат битта иштирокчидан ариза тушган тақдирда танлов ўтказилмайди ва қарор танлов комиссияси томонидан иштирокчининг аризасини ва унга илова қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича танлов эълон қилинган вақтдан бошлаб 30 кунлик муддат ниҳоясига етгач, беш иш куни давомида қабул қилинади. Танлов комиссияси хусусий шерикнинг таклифи қўйидагиларга мос келишидан келиб чиққан ҳолда ижобий ёки салбий қарор қабул қилади:

давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш шартларига;

давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш шаклларига қараб — зарур инвестиция ва ижтимоий мажбуриятларнинг минимал ҳажми талабларига.

38. Давлат шериги танлов комиссиясининг танлов якунлари тўғриси-

даги қарори қабул қилинган кунда ўз расмий веб сайтыда ахборотни жойлаштириш орқали танлов иштирокчиларини унинг натижалари ҳақида хабардор қилиши шарт.

39. Танлов иштирокчиси қабул қилинган қарордан норози бўлган тақдирда, судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

7-боб. Ижара шартномаси ва концессия битимини тузиш, ўзгартириш, тўлдириш, шунингдек, бекор қилиш ва тўхтатиш тартиби

40. Давлат шериги ва хусусий шерик танлов комиссиясининг ижобий қарори асосида ушбу қарор қабул қилинган кундан бошлаб, ўн иш куни мобайнида қонун ҳужжатлари ҳамда ушбу Низом талабларига риоя этган ҳолда, ижара шартномаси ёки концессия битимини тузади.

Хусусий шерикларга ер участкалари ер участкаларини ижарага бериш бўйича кўрсатилган муддат тугагандан сўнг қайтариш ва туман (шаҳар) маданият бўлимларига бириктирилган истироҳат боғларидаги ер участкалари, бино ҳамда иншоотлар, ускуналар ҳамда аттракционларни туман (шаҳар) маданият бўлимларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари таъсисчилари бўлган истироҳат боғларидаги ер участкалари, бино ҳамда иншоотлар, ускуналар ҳамда аттракционларни давлат корхоналарига топшириш шarti билан узоқ муддатли ижара ҳуқуқи асосида 49 йилгача берилади.

Ер участкалари, бино ҳамда иншоотлар, ускуналар ҳамда аттракционлар зарурат бўлганда, белгиланган техник нормативларга мувофиқ кейинчалик фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтирилади.

41. Ижара шартномаси ёки концессион битим амалга ошириш шаклига қараб, қуйидагиларни ўз ичига олиши даркор:

объект ва хусусий инвестициялар ҳажми;

ижара шартномаси ёки концессия битимининг амал қилиш муддати ҳамда шартлари;

истироҳат боғини фойдаланишга топшириш ва унинг фаолият кўрсатиш муддати;

ижара шартномаси ёки концессия битими томонларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари;

молиялаштириш манбалари, лойиҳани амалга ошириш жадваллари, лойиҳани амалга ошириш юзасидан техник назорат тартиби тўғрисидаги ахборот;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш даражасини мониторинг қилиш ва баҳолаш тартиби;

инфратузилма объектлари, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш жараёнида кўрсатиладиган ва (ёки) тақдим этиладиган хизматлар сифатига қўйиладиган талаблар;

хусусий шерик томонидан ўз мажбуриятларини бажариши тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим этиш тартиби ва муддатлари;

давлат шериги ва хусусий шерик ўртасидаги ижара шартномаси ёки

концессия битимини бажариш билан боғлиқ таваккалчиликларни тақсимлаш тартиби ҳамда шартлари;

давлат шериги томонидан хусусий шерикка давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун бериладиган инфратузилма объектларига эгалик қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби;

истироҳат боғи ёки унинг айрим объектларидан фойдаланиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш тартиби;

истироҳат боғи ёки унинг айрим объектларини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ҳамда модернизациялаш тартиби ҳамда муддатлари;

ижара шартномаси ёки концессия битимини бажариш жараёнида ташкил қилинган объект ёки бошқа мулкка нисбатан ҳуқуқни уларнинг амал қилиш муддати тугагандан сўнг тақсимлаш тартиби;

томонларнинг ижара шартномаси ёки концессия битими шартларига риоя этиш юзасидан масъулияти;

ижара шартномаси ёки концессия битимига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тартиби;

ижара шартномаси ёки концессия битимини бекор қилиш тартиби, шунингдек, ижара шартномаси ёки концессия битимининг муддатидан олдин бекор қилиниши натижасида компенсация тўлаш ва етказилган зарарни қоплаш тартиби;

хусусий шерикнинг ўз мажбуриятларини бажармагани ёки тегишли равишда бажармагани учун санкциялар;

ижара шартномаси ёки концессия битимини амалга оширишда юзага келадиган тортишувларни ҳал этиш тартиби.

Ижара шартномаси ёки концессия битими қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа шартларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

42. Давлат шериги ижара шартномаси ёки концессия битимини имзолашга тайёрлаш учун хусусий шерикка ижара шартномаси ёки концессия битими лойиҳасининг матнини тақдим этади.

43. Зарурат бўлганда, ижара шартномаси ёки концессия битими қоидаларини келишиш мақсадида давлат шериги ва хусусий шерик ўртасида музокаралар ўтказилади.

44. Ижара шартномаси ёки концессия битими давлат шериги ва хусусий шерик томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари иштирокида ҳар бир томон учун бир нусхадан — уч нусхада имзоланади.

45. Тузилган ижара шартномалари ёки концессия битимларининг ягона реестри Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан юритилади.

46. Ижара шартномаси ёки концессия битими томонлар имзолаган вақтдан бошлаб кучга киради ва уларга амал қилиш муддати тугагунича ёки бекор қилингунича амал қилинади.

47. Ижара шартномаси ёки концессия битимига қўйидаги ҳолларда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин:

томонларнинг розилиги билан;

давлат шериги ва хусусий шерикнинг шартнома муносабатлари бўйича қонун ҳужжатларига истироҳат боғларига тааллуқли ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан — давлат шеригининг талабига биноан;

суд қарорига кўра.

48. Ижара шартномаси ёки концессия битими қўйидаги ҳолларда бекор қилинади:

томонларнинг розилиги билан;

хусусий шерик банкрот бўлган ва тугатилган ҳолатда;

хусусий шерик ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда — давлат шеригининг талабига биноан;

давлат шериги ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда — хусусий шерикнинг талабига биноан.

Ушбу банднинг тўртинчи ва бешинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолатларда ижара шартномаси ёки концессия битими суд тартибда бекор қилинади.

49. Ижара шартномаси ёки концессия битими уларнинг амал қилиш муддати тугагандан сўнг тўхтатилади.

Ижара шартномаси ёки концессия битимининг амал қилиш муддатининг тугаши томонларни уларни бузганлик учун жавобгарликдан озод қилмайди.

50. Фаолият кўрсатаётган истироҳат боғлари ҳудудидаги бинолар ва иншоотлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сотилади ва ижарага берилади.

8-боб. Яқунловчи қоидалар

51. Истироҳат боғлари ҳудудидаги ер участкаларини хусусий шерикларга ижарага бериш тартиби ва истироҳат боғлари ҳудудида объектларни қуриш учун хорижий хусусий шерикларга ер участкаларини ажратиш тартиби, шунингдек, давлат мулки объектини истироҳат боғи ҳудудида хусусий шерик томонидан реконструкция қилиш ҳамда жиҳозлаш тартиби қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

52. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI VAZIRLAR MAҲҚAMASINING
ҚАРОРИ**683 Хорижий автоташувчиларни халқаро йўлларда ташиш китобчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги божхона Конвенцияси низомларидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва бундай ҳуқуқни тиклаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 12 апрелдаги ПФ-5414-сон Фармонига асосан ва ХЙТ китобчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги божхона Конвенциясини (ХЙТ Конвенцияси, 1975 й.) қўллаш доирасида божхона ишини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Хорижий автоташувчиларни халқаро йўлларда ташиш китобчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги божхона Конвенцияси низомларидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва бундай ҳуқуқни тиклаш тартиби тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.С. Отажонов ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси М.Б. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 17 август,
673-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 18 августда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 17 августдаги 673-сон қарорига
ИЛОВА

**Хорижий автоташувчиларни халқаро йўлларда ташиш китобчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги божхона Конвенцияси низомларидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва бундай ҳуқуқни тиклаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом хорижий автоташувчиларни (кейинги ўринларда ташувчи деб аталади) 1975 йил 14 ноябрдаги халқаро йўлларда ташиш китобчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги божхона Конвенцияси (кейинги ўринларда Конвенция деб аталади) низомларидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва бундай ҳуқуқни тиклаш тартибини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси (кейинги ўринларда ДБҚ деб аталади), Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Конвенция низомларидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ва бундай ҳуқуқни тикланган ташувчиларнинг, ушбу Низом иловасида* белгиланган шаклда, реестрини юритади.

2-боб. Хорижий автоташувчини Конвенция низомларидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш шартлари

3. Ташувчи ДБҚ қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуйидаги ҳолларда Конвенция низомларидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин:

а) халқаро йўлларда ташиш (кейинги ўринларда ХЙТ деб аталади) тартиби бузилганлиги муносабати билан божхона тўловларини тўлаш бўйича мажбуриятини бажармаслик;

б) қуйидагиларда ифодаланадиган Конвенция низомларининг бир неча бор бузилиши ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси божхона қонунчилиги талабларига риоя қилмаслик:

Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали товарларнинг ноқонуний олиб ўтилишида;

божхона назоратидаги товарларни, Ўзбекистон Республикаси божхона органлари томонидан ёки Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган етказиб бериш жойига етказмасликда, божхона органлари рухсатсиз божхона назоратидаги товарларни бошқа шахсларга бериб юборишда ёки уларни йўқотишда;

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан божхона органлари томонидан чиқариб юборилишига рухсат берилган товарларнинг ишлатилишида ва (ёки) уларга эгалик қилишда;

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексида белгиланган муддатларда халқаро ташувдаги транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан олиб чиқиб кетмасликда.

4. Қўйидаги ҳолларда ҳудудий божхона бошқармалари уч кун муддатда ташувчини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан Конвенция низомларидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши бўйича ДБҚ га таклифлар юборади:

божхона органлари томонидан ХЙТ тартиби бузилганлиги муносабати билан божхона тўловлари ундирилиши бўйича қарор қабул қилинган санадан ўттиз календарь куни ўтгандан сўнг ташувчи томонидан божхона тўловларини тўлаш мажбурияти бажарилмаганда;

ташувчи ва (ёки) уни ваколатли шахсига нисбатан маъмурий жазо қўллаш бўйича қарор ёхуд ташувчининг ваколатли шахсига нисбатан жиноий иш бўйича қарор қонуний кучга киргандан сўнг (кейинги ўринларда суд қарорлари деб аталади), агар бундай суд қарорлари ижро этилмаган тақдирда.

5. Ташувчини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан Конвенция низомларидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш бўйича қарор (кейинги ўринларда ҳуқуқидан маҳрум қилиш бўйича қарор деб аталади), мазкур Низомнинг 3-бандида белгиланган ҳолатларда ҳудудий божхона бошқармалари томонидан ДБҚ га тақдим қилинган таклифлар асосида, ДБҚ хатларига мувофиқ расмийлаштирилиб, ҳудудий божхона бошқармалари, ташувчи, ХЙТ Ижроия кенгаши, Кафолат бирлашмаси ва ташувчи ташкил этилган ёки доимий манзилгоҳи жойлашган давлатнинг ваколатли органи манзилларига юборилади.

3-боб. Хорижий автоташувчининг Конвенция низомларидан фойдаланиш ҳуқуқини тиклаш шартлари

6. Ташувчиларда ДБҚнинг қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан Конвенция низомларидан фойдаланиш ҳуқуқи тикланиши мумкин:

а) ушбу ҳуқуқдан маҳрум қилиш учун асос бўлган сабаблар бартараф этилган қўйидаги ҳолларда:

божхона тўловлари тўланиши ёки уларни ундириш мажбуриятининг бажарилиши;

ташувчи ёки унинг ваколатли шахсини Ўзбекистон Республикаси божхона қонунчилигини бузганликда айбдор деб топиш тўғрисидаги суд қарорининг белгиланган тартибда бекор қилиниши;

ташувчи ёки унинг ваколатли шахсини маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарорнинг ижро этилиши;

б) мазкур Низомнинг 3-бандида кўрсатилган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан Конвенция низомларидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилини-

ши мумкин бўлган божхона қонунчилигининг бошқа бузилиш ҳолатларининг мавжуд эмаслиги.

7. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Конвенция низомларидан фойдаланиш ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги қарор (кейинги ўринларда ҳуқуқни тиклаш тўғрисидаги қарор деб аталади) ушбу Низомнинг 6-бандида белгиланган шартларга ташувчи томонидан риоя этилган тақдирда қабул қилиниши мумкин.

Ҳуқуқни тиклаш тўғрисидаги қарор, ташувчининг ҳудудий божхона бошқармасига, ҳуқуқдан маҳрум қилинишига сабаб бўлганларни бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда, ихтиёрий шаклдаги ёзма равишда берган аризасига (кейинги ўринларда ташувчининг аризаси деб аталади) биноан қабул қилинади.

Ҳудудий божхона бошқармалари, ташувчини ҳуқуқдан маҳрум қилиш сабаблари бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган ҳолда, ташувчининг аризаси қабул қилинган кундан эътиборан уч кун муддат ичида ДБҚга таклифлар тақдим этишади.

Ташувчининг аризаси ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Конвенция низомларидан фойдаланиш ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги ҳудудий божхона бошқармасининг таклифи ДБҚ томонидан кўриб чиқилади.

Ташувчининг аризаси ва ҳудудий божхона бошқармасининг таклифларини кўриб чиқиш натижалари бўйича ДБҚ томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Конвенция низомларидан фойдаланиш ҳуқуқини тиклаш ёки бундай ҳуқуқнинг тикланишини рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинади.

Бунда, ҳуқуқни тиклаш ёки унинг тикланишини рад этиш тўғрисидаги қарорни кўриб чиқиш ва қабул қилиш муддати ўн иш кунидан ошмаслиги лозим.

8. Ҳуқуқни тиклаш тўғрисидаги қарор ДБҚ хатларига мувофиқ расмийлаштирилиб, ҳудудий божхона бошқармалари, ташувчи, ХЙТ Ижроия кенгаши, Кафолат бирлашмаси ва ташувчи ташкил этилган ёки доимий манзилгоҳи жойлашган мамлакатнинг ваколатли органи манзилларига юборилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**684 Давлат-хусусий шериклик асосида марказлаштирилган клиника-диагностика лабораторияси ташкил этиш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тиббиёт ташкилотларини ривожлантиришга доир қўшимча шароитлар ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ–3450-сон қарорига мувофиқ ҳамда соғлиқни сақлаш тармоғига ажратиладиган бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, лаборатория диагностикаси соҳасига энг янги технологияларни жалб этиш йўли билан аҳолини сифатли лаборатория-диагностика хизматлари билан таъминлаш, лаборатория ахборотлари тизимини жорий этиш, лаборатория тадқиқотлари сифатини назорат қилиш тизимини модернизациялаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар маълумот учун қабул қилинсин:

«Ягона клиника-диагностика лабораторияси» бошқарув компанияси» МЧЖ (кейинги ўринларда «ЯКДЛ» БК МЧЖ деб аталади) тиббиёт соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тажрибасига эга; давлат-хусусий шериклик концессион модели бўйича марказлаштирилган лаборатория хизмати лойиҳаси ана шундай лойиҳалардан бири ҳисобланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тошкент шаҳрида тажриба тариқасидаги марказлаштирилган клиника-диагностика лабораторияси ташкил этиш тўғрисида «ЯКДЛ» БК МЧЖ билан, истисно тарзида, бевосита музокаралар асосида концессион шартнома тузиш ҳақидаги таклифига розилик берилсин.

3. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги билан келишган ҳолда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг тиббиёт ташкилотлари марказлаштирилган клиника-диагностика лабораторияси хизматлари билан қамраб олинади.

Белгилансинки, лойиҳа натижаларига кўра марказлаштирилган клиника-диагностика лабораторияси хизматлари республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам оммалаштирилиши мумкин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда узоқ муддатда (15 йилгача) эгалик қилиш ва фойдаланиш мақсадида концессионерга бериш учун объектларни бир ой муддатда, белгиланган тартибда танлаб олишни таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда концессионер билан биргаликда қуйи-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 20 августда эълон қилинган.

дагиларни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва концессион шартнома лойиҳасига киритсин:

лаборатория тадқиқотларини босқичма-босқич марказлаштиришда қатнашувчи тиббиёт ташкилотлари рўйхати;

тиббиёт ташкилотларини марказлаштирилган клиника-диагностика лабораторияси хизматлари билан қамраб олиш ҳар бир босқичининг аниқ муддатлари;

соғлиқни сақлаш соҳасига ажратиладиган бюджет маблағлари ва ҳар бир тадқиқот тури бўйича бепул тиббий ёрдамнинг қафолатланган ҳажми доирасида лаборатория диагностикаси бўйича тиббий ёрдам кўрсатиш ҳажмлари;

концессионер хизматининг энг юқори қийматини аниқлаш мақсадида ҳар бир тадқиқот тури бўйича лаборатория диагностикаси хизматининг энг юқори қиймати;

ташкил этилаётган марказлаштирилган клиника-диагностика лабораториясига, шунингдек, лаборатория жиҳозлари спецификациясига қўйиладиган техник талаблар.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2018 йил 1 октябргача бўлган муддатда, концессионер томонидан шартнома бўйича ўз ҳуқуқларини учинчи шахсларга бера олиш ҳуқуқига эга бўлган ҳолда «ЯҚДЛ» БК МЧЖ билан концессион шартнома тузсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳақимов ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.К. Шадманов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 17 август,
674-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ЛОЙИҲА БОШҚАРУВИ МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БҮЙРУҒИ

685 Баҳоловчиларга тоифалар бериш тартиби тўғрисида- ги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
11 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3052*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 июндаги ПҚ–3764-сон «Баҳолаш хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Баҳоловчиларга тоифалар бериш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор

Ш. САДИКОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 11 июль,
215-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви
миллий агентлигининг 2018 йил 11 июлдаги
215-сон буйруғига
ИЛОВА

Баҳоловчиларга тоифалар бериш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 июндаги ПҚ–3764-сон «Баҳолаш хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ баҳоловчиларга тоифалар бериш тартибини белгилайди.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 13 августда эълон қилинган.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 июндаги ПҚ–3764-сон «Баҳолаш хизматлари бозорини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан баҳоловчиларга қуйидаги тоифалар берилади:

- сертификатланган баҳоловчи;
- иккинчи тоифали баҳоловчи;
- биринчи тоифали баҳоловчи;
- олий тоифали баҳоловчи.

Сертификатланган баҳоловчи тоифаси баҳоловчига малака сертификати берилаётган вақтда Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази (бундан буён матнда Марказ деб юритилади) томонидан берилади.

2. Баҳоловчилар иккинчи, биринчи ва олий тоифалар олиш учун қуйидаги асосий талабларга жавоб беришлари лозим:

иккинчи тоифага — тоифа берилаётган вақтда баҳоловчи ташкилотда баҳоловчи сифатидаги бир йилдан кам бўлмаган иш тажрибасининг, шунингдек турли баҳолаш объектларини баҳолаш бўйича камида 15 та мустақил равишда бажарилган ишларнинг мавжудлиги;

биринчи тоифага — тоифа берилаётган вақтда баҳоловчи ташкилотда баҳоловчи сифатидаги уч йилдан кам бўлмаган иш тажрибасининг, шунингдек турли баҳолаш объектларини баҳолаш бўйича камида 25 та мустақил равишда бажарилган ишларнинг мавжудлиги, шу жумладан бизнес бўйича;

олий тоифа — тоифа берилаётган вақтда баҳоловчи ташкилотда баҳоловчи сифатидаги беш йилдан кам бўлмаган иш тажрибасининг, шунингдек турли баҳолаш объектларини баҳолаш бўйича камида 35 та мустақил равишда бажарилган ишларнинг мавжудлиги, шу жумладан бизнес бўйича.

Баҳоловчиларга тоифа беришда қўшимча талаблар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўрнатилади.

3. Мазкур Низомнинг 2-бандида белгиланган асосий талабларга жавоб берган баҳоловчиларга Марказ томонидан иккинчи, биринчи ва олий тоифалар берилади.

4. Баҳоловчи тегишли тоифани олиш учун Марказга қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза билан мурожаат қилади:

а) меҳнат дафтарчасидан нусха (баҳоловчи ташкилот томонидан аслига тўғрилиги тасдиқланган бўлиши лозим);

б) баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг нусхалари (баҳоловчи ташкилот томонидан аслига тўғрилиги тасдиқланган бўлиши лозим);

в) баҳоловчи малака сертификатининг нусхаси;

г) тоифа олиш бўйича ҳужжатларни кўриб чиқиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдоридаги тўлов тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Баҳоловчидан мазкур бандда назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

5. Хужжатлар баҳоловчи томонидан Марказга бевосита ёхуд уларнинг олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан бирга почта алоқаси воситаси ёки электрон почта орқали етказиб берилади.

Хужжатлар Марказнинг масъул шахси томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси хужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда ариза берувчига юборилади (топширилади).

6. Нотўғри маълумотлар тақдим этилганлиги учун баҳоловчи қонун хужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

7. Марказ ариза келиб тушган кундан бошлаб уч иш кун мобайнида баҳоловчининг хужжатларини тоифа бериш бўйича махсус комиссияга (бундан буён матнда комиссия деб юритилади) йўллаш учун қарор қабул қилади.

8. Баҳоловчи томонидан тақдим этилган аризага баҳоловчини тегишли тоифа учун мазкур Низомнинг 2-бандида белгиланган талабларга жавоб беришини тасдиқловчи хужжатлар илова қилинмаган бўлса, баҳоловчининг аризаси ва унга илова қилинган хужжатлар Марказ томонидан баҳоловчига камчиликларни бартараф этиш учун қайтарилади.

Марказ томонидан ариза қайтарилишининг аниқ сабаблари кўрсатилган ёзма хабарнома баҳоловчига икки иш куни ичида юборилади.

9. Аризаси қайтарилган баҳоловчи, қайтариш учун асос бўлган камчиликларни бартараф этганидан сўнг мазкур Низомда белгиланган тартибда Марказга қайта мурожаат қилишга ҳақли.

2-боб. Баҳоловчиларга тоифа бериш

10. Баҳоловчиларга тегишли тоифани бериш Агентлик директорининг буйруғи билан тасдиқланадиган камида 5 нафар аъзодан иборат комиссия томонидан амалга оширилади.

Марказ комиссиянинг ишчи органи вазифасини бажаради.

Комиссия таркиби Агентлик, Марказ, баҳоловчи ташкилотлар ва баҳоловчилар бирлашмалари вакилларидан ташкил топади.

Тоифа олиш учун талабгор бўлган баҳоловчи комиссия йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жой ҳақида комиссия йиғилиши ўтказиладиган кундан камида ўн кун олдин Марказ томонидан хабардор қилинади.

Комиссия йиғилишлари ўтказиш жараёнларининг шаффофлиги ва ҳолислигини таъминлаш мақсадида комиссия йиғилишлари ўтказиш жараёнлари узлуксиз равишда видеоёзувга туширилади.

Комиссиянинг йиғилишлари ҳар икки ойда камида бир маротаба ўтказилади. Комиссия йиғилиши унинг аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

11. Комиссия йиғилишлари комиссия таркибини эълон қилиш ва тоифа олишга талабгор бўлган баҳоловчи фаолияти билан таништиришдан бошланади.

12. Комиссия йиғилишида талабгор томонидан тегишли тоифани олиш учун тақдим этилган хужжатлар ўрганилади, баҳоловчи томонидан турли баҳолаш объектларини баҳолаш бўйича тузилган баҳолаш ҳисоботлари таҳ-

лил қилинади ва комиссия томонидан баҳоловчига тоифа бериш ёки тоифа беришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинади.

Қабул қилинган қарор баённома шаклида расмийлаштирилади.

13. Баҳоловчи мазкур Низомнинг 2-бандида белгиланган талабларга жавоб берган тақдирда, комиссия томонидан баҳоловчига тегишли тоифани бериш тўғрисида қарор қабул қилинади.

14. Комиссия томонидан рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, комиссия баҳоловчига ёзма равишда сўралган тоифани беришда рад этилганлиги сабабларини кўрсатган ҳолда хабар беради.

15. Комиссиянинг қарори баҳоловчининг малака сертификатига тегишли ўзгартиришларни киритишга асос бўлади.

16. Комиссия томонидан баҳоловчига тоифа беришни рад этиш тўғрисидаги қарор қўйидаги ҳолларда қабул қилинади:

а) баҳоловчи тоифа учун белгиланган талабларга жавоб бермаса;

б) баҳоловчининг тоифа учун белгиланган талабларга жавоб беришини тасдиқловчи ҳужжатларидаги маълумотлар нотўғри ёки ҳақиқатга тўғри келмаслиги аниқланса.

17. Комиссия томонидан қарор баҳоловчи иштирокисиз, очиқ овоз бериш орқали кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда комиссия раиси овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Комиссия раиси ва аъзолари овоз беришда бетараф қолиш ҳуқуқига эга эмаслар. Комиссия раиси энг охирида овоз беради.

18. Баҳоловчи томонидан сўралган тоифани бериш рад этилганда, баҳоловчи мазкур Низомга мувофиқ ҳужжатларни қайта тақдим этишга ҳақли.

19. Баҳоловчининг малака сертификатига ўзгартиришлар киритиш учун, баҳоловчи Марказга малака сертификатини қайта расмийлаштириш ҳақида ариза беради, бунда малака сертификатининг асл нусхасини ва комиссия котибининг имзоси билан тасдиқланган тоифани бериш ҳақидаги комиссиянинг қарор нусхасини илова қилади.

3-боб. Тоифани тасдиқлаш тартиби

20. Баҳоловчига нисбатан бир неча бор асосланган шикоятлар келиб тушган тақдирда, баҳоловчига тоифа берилган кундан бошлаб бир йилдан сўнг Марказ тоифани тасдиқлаш жараёнини амалга ошириши мумкин, сертификатланган баҳоловчи тоифаси бундан мустасно.

21. Тоифани тасдиқлаш жараёни, баҳоловчининг фаолияти ҳақида баҳоловчи ташкилотлардан, жамоат ташкилотларидан ҳамда бошқа жисмоний ва юридик шахслардан, баҳоловчини фаолияти натижалари ва сифати бўйича, шунингдек унинг баҳолов фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш, баҳолов ҳисоботи сифатини ошириш тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва уларни таҳлил қилишдан иборат бўлади.

22. Марказ томонидан баҳоловчининг амалдаги тоифасига мувофиқлиги тўғрисида шубҳа туғдирувчи маълумотлар аниқланган тақдирда, Марказ

комиссияга баҳоловчининг тоифасини қайта кўриб чиқиш тўғрисида ҳужжатларни юборишга ҳақли.

23. Баҳоловчининг тоифасини қайта кўриб чиқиш бўйича ҳужжатларни кўриб чиқиш, комиссия томонидан тоифани бериш юзасидан баҳоловчининг аризасини кўриб чиқиш тартибига асосан амалга оширилади.

24. Тоифаси пасайтирилган баҳоловчи, бир йилдан сўнг тоифасини тиклаш юзасидан комиссияга мурожаат этишга ҳақли.

4-боб. Яқуний қоидалар

25. Комиссиянинг баҳоловчига тоифа беришни рад этиш тўғрисидаги қарори юзасидан баҳоловчи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиши мумкин.

26. Комиссия аъзолари баҳоловчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлардаги махфий маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас.

27. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

28. Мазкур Низом Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази, Ўзбекистон баҳоловчилар жамияти ва Ўзбекистон баҳоловчи ташкилотлар ассоциацияси билан келишилган.

*Корпоратив бошқарув илмий-
таълим маркази директори*

Б. ГАНИХОДЖАЕВ

2018 йил 11 июль

*Ўзбекистон баҳоловчилар
жамияти раиси*

Н. МИРЗАРАХИМОВА

2018 йил 11 июль

*Баҳоловчи ташкилотлар
ассоциацияси раиси*

А. ИСЛАМОВ

2018 йил 11 июль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

686 Хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ солинадиган базасини алоҳида харажатлари бўйича камайтириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
13 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3053*

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 февралдаги ПҚ-3514-сон «Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ солинадиган базасини алоҳида харажатлари бўйича камайтириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 12 июль,
110-сон

**Давлат солиқ қўмита раисининг
биринчи ўринбосари**

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 12 июль,
2018-60-сон

**Туризмни ривожлантириш
давлат қўмитаси раиси**

Б. УМАРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 12 июль,
4-ққ-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 14 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва
Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси-
нинг 2018 йил 12 июлдаги 110, 2018-60 ва
4-ққ-сон қарорига
ИЛОВА

**Хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ солинадиган
базасини алоҳида харажатлари бўйича камайтириш
тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 февралдаги ПҚ–3514-сон «Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ солинадиган базасини алоҳида харажатлари бўйича камайтириш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 февралдаги ПҚ–3514-сон «Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 15-бандига мувофиқ солиқ солинадиган база қуйидаги суммаларга камайтиради:

100 миллион сўмгача — хўжалик юритувчи субъектларнинг 2020 йилнинг 1 январига қадар санитария қоидалари, меъёрлари ва гигиена нормативларига мувофиқ келадиган замонавий санитария-гигиена тармоқларини қайта тиклаш, капитал таъмирлаш ва қуришга йўналтирилган харажатлари;

12 миллион сўмгача — ҳар йили 2025 йилнинг 1 январига қадар хўжалик юритувчи субъектларнинг санитария қоидалари, меъёрлари ва гигиена нормативларига мувофиқ келадиган санитария-гигиена тармоқларини (фаррошлар иш ҳақи, гигиена, тозалаш ва ювиш воситаларини сотиб олиш, коммунал харажатларни тўлаш), туризм инфратузилмаси объектларини (тарихий ва меъморий ёдгорликлар, музейлар, театрлар, маданият уйлари, умумий овқатланиш пунктлари, хизмат кўрсатиш объектлари, автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари, автомобиллар учун вақтинча тўхташ жойлари, йўлбўйи инфратузилмасининг сервис хизматлар кўрсатиладиган ҳудудлари, бозорлар, расталар, дўконлар ва одамлар гавжум бўладиган бошқа жойларни) сақлашга йўналтирилган харажатлари.

2. Солиқ солинадиган базанинг камайтирилиши юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи, ягона солиқ тўлови ҳамда бозорлар даромадлари бўйича амалга оширилади.

2-боб. Солиқ имтиёзларининг қўлланилиши

3. Ушбу Низомнинг 1-банди иккинчи хатбошисида белгиланган солиқ солинадиган базанинг 100 миллион сўмгача камайиши, бир марталик ёки қисмларга бўлинган ҳолда, 2020 йил 1 январ мuddатигача амалга оширилади.

4. Ушбу Низомнинг 1-банди учинчи хатбошисида белгиланган солиқ солинадиган базанинг 12 миллион сўмгача камайиши ҳар йили 2025 йил 1 январгача амалга оширилади.

5. Ушбу Низомнинг 3-бандида кўрсатилган имтиёзга эга бўлиш учун солиқ тўловчи санитария-гигиеник тармоқларнинг санитария қоидалари, меъёрлари ва гигиена нормативларига мувофиқ келиши ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли туман (шаҳар) давлат санитария-эпидемиология назорати марказларининг хулосасини (бундан буён матнда Марказнинг хулосаси деб юритилади) олиши лозим.

Санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ келадиган замонавий санитария-гигиеник тармоқларини қайта тиклаш, капитал таъмирлаш ва қуриш тегишли солиқ бўйича бир нечта ҳисобот даврларида олиб борилган ҳолларда, солиқ солинадиган базасини камайтиришни ишлар якунланганидан кейин Марказнинг хулосасини тақдим этиш шарти билан амалга оширишга рухсат этилади.

Бунда солиқ тўловчи томонидан 2020 йил 1 февралгача Марказнинг хулосаси олинмаган тақдирда, солиқ тўловчининг ушбу объектнинг тегишли қисмига нисбатан солиқ солинадиган базасини камайтиришга бўлган имтиёз бекор қилинади ва у солиқ солинадиган базасининг камайтирилган даврлари учун аниқлаштирилган солиқ ҳисоботларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этиши лозим.

6. Ушбу Низомнинг 3-бандига мувофиқ солиқ солинадиган базаси ҳужжатлар билан тасдиқланган, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ келадиган замонавий санитария-гигиеник тармоқларини қайта тиклаш, капитал таъмирлаш ёки қуриш билан боғлиқ харажатлар суммасига камайтирилади.

7. Мазкур Низомнинг 4-бандида кўрсатилган имтиёз, солиқ тўловчи томонидан Марказнинг хулосаси олинганидан кейин тақдим этилади.

8. Ушбу Низомнинг 4-бандига мувофиқ солиқ солинадиган базаси санитария қоидалари, меъёрлари ва гигиена нормативларига мувофиқ келадиган санитария-гигиена тармоқларини (фаррошлар иш ҳақи, гигиена, тозалаш ва ювиш воситаларини сотиб олиш, коммунал харажатларни тўлаш), туризм инфратузилмаси объектларини (тарихий ва меъморий ёдгорликлар, музейлар, театрлар, маданият уйлари, умумий овқатланиш пунктлари, хизмат кўрсатиш объектлари, автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари, автомобиллар учун вақтинча тўхташ жойлари, йўлбўйи инфратузилмасининг хизматлар кўрсатиладиган ҳудудлари, бозорлар, расталар, дўконлар ва одамлар гавжум бўладиган бошқа жойларни) сақлашга йўналтирил-

ган харажатларининг ҳужжатлар билан тасдиқланган суммасига камайтирилади.

Санитария-гигиеник тармоқларни сақлашга йўналтирилган харажатларни аниқлаш имконияти бўлмаган ҳолларда, улар санитария-гигиеник тармоқларнинг фаррошлар хизмат кўрсатадиган умумий майдонга нисбати (йиштириш бўйича харажатларни ҳисоблаш вақтида) ёки хўжалик юритувчи субъект томонидан банд этилган умумий майдонга нисбати (коммунал тўловларни аниқлаш вақтида) билан белгиланади.

3-боб. Яқуний қоидалар

9. Ушбу Низом талабларини бузишда айбдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

10. Солиқ имтиёзлари тўғри қўлланиши устидан назорат давлат солиқ хизмати органлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

11. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

2018 йил 12 июль

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

А. ИКРАМОВ

2018 йил 12 июль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНДЛИК ВА МЕХНАТ
МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

688 **Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 15 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3054

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлдаги ПФ-5469-сон «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 11 декабрдаги 312-сон «Ўқув машғулотлари ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб кўйилсинки, ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш 2018 йил 15 июлдан бошлаб мазкур қарорга иловада кўрсатилган миқдорларда амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2018 йил 8 январдаги 1-2018, 1-мх ва 2-қ/қ-сон «Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2965, 2018 йил 18 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 3-сон, 64-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириди.

**Олий ва ўрта махсус
таълим вазири**

И. МАДЖИДОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 30 июль,
17-2018-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 16 августда эълон қилинган.

Халқ таълими вазири**Ш. ШЕРМАТОВ**

Тошкент ш.,
2018 йил 30 июль,
38-сон

**Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири****Ш. КУДБИЕВ**

Тошкент ш.,
2018 йил 30 июль,
20-қ/қ-сон

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,
Халқ таълими вазирлиги, Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазирлигининг 2018 йил
30 июлдаги 17-2018, 38, 20-қ/қ-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга
соатбай ҳақ тўлаш
МИҚДОРЛАРИ**

1. Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ва илмий тадқиқот муассасаларида, қайта тайёрлаш ва малака ошириш муассасаларида, шунингдек мазкур муассасаларда ташкил этиладиган ўқув курсларида ўқув машғулотлари ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари:

Т/р	Контингент	Ўқув машғулотларини олиб борувчи шахслар	Соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари (сўм)
1.	Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари	фан доктори ёки фан доктори (DSc) илмий даражасидан бирига, хорижий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки профессор илмий унвонига эга бўлган шахслар	38 727,2
		фан номзоди, фалсафа доктори (PhD) илмий даражасидан бирига, хорижий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган шахслар	22 713,1
		илмий даражага эга бўлмаган шахслар*	15 581,2
2.	Олий таълим муассасалари талабалари	фан доктори ёки фан доктори (DSc) илмий даражасидан бирига, хорижий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки профессор илмий унвонига эга бўлган шахслар	44 259,6

Т/р	Контингент	Ўқув машғулотларини олиб борувчи шахслар	Соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари (сўм)
		фан номзоди, фалсафа доктори (PhD) илмий даражасидан бирига, хорижий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган шахслар	27 954,4
		илмий даражага эга бўлмаган шахслар*	20 255,4
3.	Таянч докторант ва докторантлар, раҳбар ходимлар ва мутахассислар малакасини ошириш бўйича таълим муассасалари (курслари) тингловчилари**	фан доктори ёки фан доктори (DSc) илмий даражасидан бирига, хорижий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки профессор илмий унвонига эга бўлган шахслар	53 481,4
		фан номзоди, фалсафа доктори (PhD) илмий даражасидан бирига, хорижий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган шахслар	36 690,1
		илмий даражага эга бўлмаган шахслар*	29 604,2
4.	Курслар тингловчилари, ўрта махсус, касб-хунар маълумоти талаб этиладиган лавозимларни эгаллаб турган ишчилар, ходимлар***	фан доктори ёки фан доктори (DSc) илмий даражасидан бирига, хорижий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки профессор илмий унвонига эга бўлган шахслар	30 202,8
		фан номзоди, фалсафа доктори (PhD) илмий даражасидан бирига, хорижий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган шахслар	17 581,3
		илмий даражага эга бўлмаган шахслар*	11 858,9

2. Умумтаълим мактаблари педагог ходимларига ўтган дарси учун соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари:

Т/р	Контингент	Ўқув машғулотларини олиб борувчи шахслар	Соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари (сўм)
1.	Умумтаълим мактабларининг бошланғич синфлари ўқитувчиси, ўқитувчи-логопеди, логопедия шохобчаси мудири	олий малака тоифали	17 606,2
		биринчи малака тоифали	16 596,1
		иккинчи малака тоифали	15 541,2
		олий маълумотли	14 512,6
		ўрта махсус маълумотли	13 565,9
2.	Умумтаълим мактабларининг юқори синфлари ўқитувчиси	олий малака тоифали	14 585,2
		биринчи малака тоифали	13 229,5
		иккинчи малака тоифали	12 390,6
		олий маълумотли	11 573,3
		ўрта махсус маълумотли	10 827,8

* илмий даражага эга бўлмаган, мутахассислик фанлари бўйича машғулот ўтказиш учун жалб қилинадиган шахслар.

** олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларига машғу-

лотлар ўтказиш учун соатбай иш ҳақи тўлаш шартлари билан жалб этиладиган шахсларга соатбай иш ҳақи миқдори белгиланган миқдорларидан 25 фоизга кўпайтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги 242-сонли «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташиқил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларига машғулотлар ўтказиш учун соатбай иш ҳақи тўлаш шартлари билан жалб этиладиган айрим юқори малакали илмий-педагогик кадрларга ва тажрибали амалиётчи мутахассисларга ўқув машғулотлари ўтказганлиги учун соатбай иш ҳақи миқдорини белгиланган миқдорларидан 50 фоиз юқори этиб белгилашга ҳақли.

*** ушбу бандда белгиланган ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари тавсиявий хусусиятга эга.

Изоҳ:

1. Соатбай ҳақ тўлаш миқдори таркибига меҳнат таътили ҳақи киритилган.

2. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, собиқ Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академияси академиклари меҳнатига соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари 15 фоизга оширилади.

3. Конкурс ва танловлар жюрилари аъзолари, шунингдек конкурс ишлари тақризчилари меҳнатига ҳақ тўлашда олий таълим муассасалари талабалари билан ўқув машғулотлари олиб борганлик учун тўланадиган соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари қўлланилади.

4. Академик лицейларга ўқитувчилик фаолиятига меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш шартларида жалб этиладиган олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркиби меҳнатига соатбай ҳақ тўлашда олий таълим муассасалари талабалари билан ўқув машғулотлари олиб борувчи шахслар учун назарда тутилган меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари қўлланилади.

5. Умумтаълим мактабларининг 10-11-синф ўқувчиларига касбий таълим беришга ихтисослаштирилган ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаси ишлаб чиқариш таълими усталарининг соатбай ҳақ тўлаш миқдори — 15581,2 сўм.

6. Ўқув машғулотларини соатбай ҳақ тўлаш асосида олиб борганлик учун ҳақ тўлаш харажатлари таълим муассасаси харажатлар сметасининг ҳисоб-китоблар ёйилмасида алоҳида қатор билан ажратилган соатбай ҳақ тўлаш фонди маблағлари доирасида амалга оширилади.

7. Соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари академик соатдан келиб чиқиб белгиланган.

3. Мазкур ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

2018 йил 30 июль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

689 Нодавлат нотижорат ташкилотларининг чет эл фуқаролари бўлган ходимлари аккредитация карточкасининг шаклини тасдиқлаш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 15 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3055

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 мартдаги 57-сон қарори билан тасдиқланган Нодавлат нотижорат ташкилотларининг чет эл фуқаролари бўлган ходимларини, шунингдек уларнинг қарамоғидаги оила аъзоларини аккредитациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ, **бююрман:**

1. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг чет эл фуқаролари бўлган ходимлари аккредитация карточкасининг шакли иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2015 йил 4 июндаги 179-мҳ-сон «Аккредитация карточкасининг шаклини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2681, 2015 йил 4 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 22-сон, 299-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ҳамда Ҳукумат баённома қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 16 августда эълон қилинган.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А. Ташкулов зиммасига юклансин.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 15 август,
418-мҳ-сон

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2018 йил 15 августдаги
418-мх-сон буйруғига
ИЛОВА



Изоҳ:

аккредитация карточкасига аккредитациядан ўтказилган шахснинг Нодавлат нотижорат ташкилотларининг аккредитациядан ўтказилган хорижий фуқаролар бўлган ходимлари, шунингдек уларнинг оила аъзолари давлат реестридаги тартиб рақамига мувофиқ рақам берилади;

аккредитация карточкаси Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг тегишли ўринбосари томонидан имзоланади ва муҳр билан тасдиқланади;

ёзувлари ўчирилган, расми кўчирилган, йиртилган ёки бошқача тарзда яроқсиз ҳолга келтирилган аккредитация карточкалари ҳақиқий ҳисобланмайди;

ушбу буйруқ кучга киргунга қадар Адлия вазирлиги томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларининг чет эл фуқаролари бўлган ходимларига, шунингдек уларнинг қарамоғидаги оила аъзоларига берилган аккредитация карточкалари уларнинг амал қилиш муддати тугагунгача ҳақиқий ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2018 йил 11 августдан 17 августгача
бўлган маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2018 йил 11 июлдаги 215-сон «Баҳоловчиларга тоифалар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»-ги буйруғи.

2018 йил 11 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3052.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 12 июлдаги 110, 2018-60, 4-ққ-сон «Хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ солинадиган базасини алоҳида харажатлари бўйича камайтириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 13 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3053.

3. Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги бошлиғининг 2018 йил 18 июлдаги 69-сон «Йўловчилар ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланаётган юридик шахсларнинг ходимларига ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланаётган хусусий тадбиркорларга қўйиладиган малакавий талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 14 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1626-10.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2018 йил 30 июлдаги 17-2018, 38, 20-қ/қ-сон «Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 15 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3054.

5. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 15 августдаги 418-мх-сон «Нодавлат нотижорат ташкилотларининг чет эл фуқаролари

бўлган ходимлари аккредитация карточкасининг шаклини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 15 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3055.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг «Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2965, 2018 йил 18 январь).

Адлия вазирининг 2018 йил 15 августдаги 417-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг «Аккредитация карточкасининг шаклини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2681, 2015 йил 4 июнь).

Адлия вазирининг 2018 йил 15 августдаги 418-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

